

Мұҳаббат ТҮРАБОЕВА

БУРИЛИШ

Ҳикоялар

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент —2008

84 (5Ў)6


T97

Тўрабоева, Муҳаббат.

Бурилиш: Ҳикоялар/ М.Тўрабоева. —
Тошкент: Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти,
2008. — 68 б.

ББК 84 (5Ў)6

10 34355
09,



№ 322-2008/1913.

ISBN 978-9948-06-111-8

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2008

ГУЖУМ

— Худо хоҳласа, ҳали бу ниҳол улкан гужумга айланганида соясида болаларинг билан чой ичиб ўтирасан, — деганди Хўжамурод ака Тўрамуродга. — Айниқса, ёмғир ёққандা гужумдан яхши пана топиб бўлмайди. Ёмғир томчилари япроқдан япроққа ўтиб, новдаси орқали илдизисига сингиб кетади.

— Ростдан-а? Сиз ҳам жўраларингиз билан гурунглашиб ўтирасиз.

— Иншооллоҳ, иншооллоҳ.

Ота-ўғил мендан узоқлашиши.

Бир минг саккиз юз тўқсон еттинчи йилнинг баҳори эди ўшанда. Қора уйнинг ўнг томонидан қўним топгандим. Бу атрофда шундан бўлак уй, мендан бошқа дараҳт кўринмасди. Уйнинг эгаси Хўжамурод ака энди элликка кирган бўлишига қарамай, анча қари кўринарди. Соч-соқолини оқ оралаган, озгина букчайиб юради. Қорамағиз, қошлиари қалин, бурни чўзинчоқ, юзларини ажин босган, қўллари бўйидай узун, бир бармоғи йўқ эди. Кейинчалик уларнинг гурунгларидан бармоғини бўри узиб олганини эшигдим.

Улар илгари бойнинг чорбогида яшашган экан. Хўжамурод ака ҳалол, меҳнаткаш инсон бўлганига бойнинг меҳри товланиб, ўз ҳудудининг чеккасида қаровсиз ётган ердан 50 сотих берибди. Шу ерда макон тут, уни чаманг айлантириб дебди. Буни Хўжамурод ака менга минг марта айтиб берган десам янгилишмаган бўламан.

Мендан деярли ҳар соатда хабар олиб туришарди. Гоҳ Солия опа келиб, япроқларимни силаб кетар, гоҳ ўғиллари сув қуйишарди. Назаримда улар менга улкан умид билан қарашар, келажак тақдирлари туп кўйиб палак ёйишим билан чамбарчасдай эди. Агар ўрнашиб кетсан, атрофимга янги дараҳтлар ўтказишиди. Сўлиб қолсан, бу юртда макон тутиб, баҳт топиб бўлмайди. Ўзим ҳам униб-ўсишни, яшашни истардим. Бутун оиланинг тақдирли менга боғлиқлиги гуркираб яшнашга ундарди. Назаримда кун сайин ўзгарардим. Зиммамдаги вазифамни уddeлаш қийин бўлмади. Кўп ўтмай Хўжамурод ака эшагига янги ниҳоллар ортиб келди. Мендан икки—уч метр нарига яна битта гужум ниҳолини қадашди. Қолган ниҳолларни сал узоғроққа экишди. Улар мевали дараҳт кўчатлари экан.

Ҳадемай қора уй атрофида иш қизиб кетди. Лойдан иморат

тиклашни бошлашди. Бақувват-бақувват эркаклар зўр бериб пахса кўтаришса, сал нарида аёллар гангур-гунгур қилиб катта қозонларда овқат пиширишарди. Уларнинг гаплари қулогимга бир чалинса, бир чалинмасди. Мен қизиғроқ гап эшитгудай бўлсам, бўйнимни чўзишга уринардим.

Бир ёшга тўлган йилим янги иморат битди. Унга кўчиб ўтишгач, Тўрамуроднинг тўйини қилишди. Тўрамурод уларнинг ёлғиз фарзанди эди. Эшитишимча, ундан олдин ҳам, кейин ҳам фарзанд кўришган. Аммо уларнинг ҳаммаси болалигига нобуд бўлишган экан. Солия опа ўн тўрт боламни ерга берганман, деганди бир гал.

Бу пайтда бўйним яхшигина йўғонлашиб, новдаларим сони кўпайиб қолганди.

— Кўз тегмасин, яхши ўсяпти, — деб қўйишарди менга қараб. Шеригим ҳам мэндан қолишмасди. Биз бир-бири мизга бас бойлаб бўй талашардик. Энди орамиздаги масофа анча яқинлашган, гапларимизни бемалол эшитардик.

Бир куни Хўжамурод aka эшагига энгалиб келаётганини кўриб, алланечук безовталандим.

Кудуқдан сув келтираётган Солия опа челагини отиб юбориб, унга югуриб пешвоз чиқди.

— Отаси, нима бўлди сизга, тирикмисиз? — у дир-дир титради.

— Тирикман, тирикман, — Хўжамурод aka зўрга овоз берди.

Уни Солия опа эшакдан зўрга туширди. Уйда ундан бошқа ҳеч ким йўқ эди-да. Мен қани ўрнимдан қўзғолалсаму, уларга ёрдамлашсан деб хижолат тортардим.

— Солибойнинг кичик ўғли қиморвоз. Ярамас, катта миқдорда ютқазибди. Менга юзта қўй берасиз, отам сўраса бўрилар еб кетди деб айтасиз, дейди-я номард. Йўқ дегандим, роса тепкилашди. Қўйларни барибир олиб кетишиди. Энди бойга нима дейман-а?

— Бойни қўйсангиз-чи, ўзингизни ўйланг. Тирик қолганингизга шукур қилинг.

— Ўлганим яхшийди. Ўзимизнинг қўйимиз бор-йўғи йигирматга экан. Ўшаниям бойнинг сурувига қўшиб қўйдим. Қолганини қандай тўлайман?

— Нега қўшиб қўясиз. Болаларимизнинг ризқини-я. — Рўмолини ечиб олиб, Хўжамурод аканинг жароҳатларини артаётган Солия опанинг ранги оқариб кетди.

У яна нимадир демоқчи эдию, аммо отларнинг дупури ҳаммамизнинг диққатимизни тортди.

Мен отни биринчи марта күришим эди. Уларга бир муддат сүкәләниб қараб турдим.

— Бой ота, босқинчилар... Мен асраб қололмадим... Жазога лойиқман... 20 та қўй.... Ҳаммасини тұлаб бераман....

Хўжамурод ака ўрнидан туришга уринди, аммо мажоли етмади.

Бойнинг ўзи отдан тушди.

— Сени содиқ хизматкорим деб юрардим, отам ҳам сени кўп мақтарди. Нега ёлғон гапирасан? Мен шунчалик лақмага ўхшайманми?

Хўжамурод ака бошини згди.

— Айборман...

— Олдин ҳам олганмиди?

— Биринчи марта, бой ота.

Эртаси куни Тўрамурод бой ўғлини юз дарра калтаклаб, зиндонга ташлаганини айтиб келди. Хўжамурод акага қўйларини қайтариби. Товон пули деб яна беш қўй қўшиб берибди.

— Бойимиз инсофли. Отасига тортган, — ишшайди Хўжамурод ака. — Ўғлини ҳам йўлга солиб олади.

Хўжамурод акани янада қаттиқроқ яхши кўриб қолдим. Бунақа олижаноб инсонга астойдил хизмат қилгим, чин дўстига айлангим келди.

Аммо бу насиб этмади.

Кунларнинг бирида Тўрамурод Хўжамурод аканинг жасадини кўтариб келади деб ҳеч ўйламагандим. Уни бойнинг ўғли чавақлаб ташлабди. Оила аъзоларига кўшилиб арзандани мен ҳам қарғадим.

Айрилиқда кўнихишим қийин бўлди. Япроқларим сарғайиб, илдизим қурий бошлиди. Уйдагилар ўзлари билан овора, менга қарашга хафсалалари йўқ эди.

Энди қуриб битсам керак деб ўйлардим. Тўғриси, яшагим ҳам келмай қолганди. Бироқ Тўрамуроднинг менга суюнганича ҳиқиллаб-ҳиқиллаб йиглагани яшашга мажбур қилди.

— Сенга маза, — деди менга. — Ҳеч нарсани тушунмайсан. Ўсоверасан, шохалайверасан. Панангдан яхшигаям, ёмонгаям жой бераверасан. Биз одамларга қийин. Бизда юрак бор.

Ўша куни у узоқ гапирди.

Бир пайт менга тикилиб қолди.

— Ие, сенга нима бўлди, — у буталаримни силашга тушди. — Сўлиб қолдингми? Демак, сен ҳам ҳис қиларкансан-да. Йўқ, сен қуриб қолмаслигинг керак, — у кўзёшларини артишга тушди. —

Ёдингдами, сени экаётганимизда отам нималар дегани. Отамдан болаларига ёдгорликсан.

У кудукқа бориб сув тортиб келди. Тагимни юмшатиб, сув күйди. Тани жоним яйраб кетди. Шунчаки сув күйтгани учун эмас, кераклигимни улар ҳам, ўзим ҳам сезганимиз учун шундай бўлди. Тирикчилик учун, ҳаёт учун қайта кураша бошладим.

Йиллар шу зайлда ўтаверди. Тўрамурод ҳар куни ёнимга келар, ҳеч кимга айтолмайдиган дардларини тўкиб соларди.

— Бойнинг ўғлига нима бўлганини биласанми? — деб қолди бир куни. — Яна қиморда ютқазибди. Шериклари уни боғлаб, қирга ташлаб кетишибди. Ўша ерда қашқирлар талаб кетишибди. Отамнинг қони тутди у ярамасни. Мен ўчимни ололмасдим... Камбағал бўлсам, кимга гапим ўтарди. Қўрқоқлигимдан, ношудлигимдан нолиниб юардим. Аммо энди кўнглим хотиржам тортиди.

У менга яна нималар ҳақида гапириб бермади дейсиз. Оқпошшо ҳақида, бойнинг Эронгами, Афғонгами қочгани тўғрисида, китоб ўқиши ўрганмоқчилигини, қишлоқлардаги уруш-можаролар, тузумнинг ўзгариши...

Бу пайтга келиб у икки ўғил, икки қизлик бўлганди.

Кунларнинг бирида болаларини олдимга бошлаб келди.

— Бу бобонгнинг дарахти, менинг энг яқин дўстим. Сизлар ҳам у билан дўстлашинглар, нима гапинглар бўлса унга айтаверинглар, — тайинлади уларга.

— Булар Каримбой, Саъдулла, Шукуржон, Тўхтажон, — уларни бирин-кетин танишитирди.

Болалар қиқир-қиқир кулишди.

Йиллар ўтиб отасига ўхшаб, менинг олдимда йиғлаб ўтиришларини билишмаганди-да улар.

— Сенга сирли гапим бор, — шивирлади бир куни Каримбой. — Мен бир қизни ёқтириб қолдим.

Ҳикоясини жон қулогим билан эшита бошладим.

— У билан кечки мактабда бирга ўқиймиз. Орзуларимиз ўхшаб кетади. Уям менга ўхшаб ўқитувчи бўлмоқчи. Кундуз кунлари далада ишлайди. Уларни қўявер... Чиройлилигини айтмайсанми. Сочи тўтиғига тушади. Яқинда онаси сочинг ерга судралиб, чанг бўляпти деб чопибди. Қоши худди ёйга ўхшайди. Кўзи катта, қоп-қора. Лабининг ёнбошида холи бор. Юзи чўзинчоқ. Ўзи қорамағиз. Бўйи менини билан тенг. Шунақа... Нима қилишимни билмаяпман. Икки кундан бўён «Лайли-Мажнун»ни ўқияпман. Шундан парча ёзиб, китобининг орасига солиб кўйсаммикин-а?

Шўрликка ичим увишди. У мендан ростакамига жавоб кутарди. Жавоб топилди. Тўрамурод гапимизни эшитиб турган экан. Кўп ўтмай уни Гулсарага уйлантириб кўйди.

Иккаласи бош бўлиб, уйимиздан сал нарида уч хонали бино куришди. Мактаб экан. Ўша ерда ишлай бошлишди.

Бирин-кетин бошқа болаларнинг ҳам тўйи бўлди.

Каримбойлар кўчиб кетиши. Кейинчалик унинг маорифга ёшулли бўлганини эшигдим. Хўжамурод унинг ҳам эшиги олдига гужум экиб берди. Ота-онасини кўргани келганда, қалайсан ошна, деб қўярди менга қараб. Сенингмас, отангнинг ошнасиман, тирранча, дегим келардю...

Саъдулла раис бўлди. У уч ўғил кўрди. Отасининг анъанасини давом эттириб, болалари билан мени танишитирди. Унинг ўзи мен билан кўп гаплашмасди. Вақтиям йўқ эди. Уйгаям кам келарди.

— Гужумжон, мени урушга олиб кетишаپти, — қаттиқ қучоқлади бир куни Худойберган. У Саъдулланинг тўнгичи.

У ўн етти ёшда эди.

Қўзидан ёш қуйиларди.

— Йўқ, кўрқоқ эмасман. Лекин ғалати бўлиб кетяпман. Одамлар нега урушишларини ҳеч тушунмаяпман. Кейин... нариги овулда яшовчи Париза менга жуда ёқади. Ундан узоққа кетгим келмаяпти. Нима дейсан, кетиш олдидан унга яхши кўришимни айтсамикин? Келгунимча кутармикин? Қачон келарканман? Келармикинман?

Саволларнинг охири кўриниши қийин бўлди. Мен бир оддий гужум бўлсам, уларнинг жавобини қаердан билардим. Одамни одам тушунмаса, мен қандай тушунардим.

Кўп ўтмай Саъдулланинг ўзи ҳам, қолган ўғиллари ҳам урушга кетиши. Тўрамурод адо бўлди. Вақти қандай ўтказишни билмасди. Бомдоддан хуфтонгача ишларди. Кейин менга суюнганича соғинчини тўкиб соларди. Болаларидан хат келса, юз маргалаб ўқиб берарди.

Биринчи бўлиб Каримбойнинг боласидан қора хат келди. Кейин Саъдулладан. Тўрамурод бир сиқим бўлиб қолди.

— Бундай савдоларга йўлиқаман деб ҳеч ўйламагандим, — деди у. — Ҳеч кимга керагим бўлмай мен яшаб юрсаму, ўғлим билан неварам дунёни тарк этса...

Кўп нарсаларга чидаган унинг юраги ушбу йўқотишларга чидамади. Совуқ қиши кунларининг бирида у ҳаётдан кўз юмди.

Энди менинг бирон дардкашим қолмаганди. Каримбой аҳён-аҳёнда келиб кетар, бироқ мен билан ҳеч гаплашиб ўтирасди.

Уруш эсон-омон тугашини, болалар эсон-омон қайтишини кечаю кундуз тиладим.

Уруш деганининг тугаши қийин бўлди. Ё менга шундай туюлди. Билишмча, қишлоқда очарчилик хукм сурарди. Одамлар очнаҳор эди. Баъзилар тунлари ўғирлик қилишар, кундузлари дала-да ишлашарди. Ўзим неча бор қоп кўтариб писиб бораётган аёлларни кўрганман. Ўғирланган нарса ё бир ҳовуч дон, ё гуруч бўларди. Бу бир кунлик емиш эди холос.

Саъдулланинг аёли ҳам қозонга алламбалоларни солиб қайнатарди. Энг яхши овқат — атала бўларди. Кўпчилик ош қандай бўлишини унутиб ҳам юборишганди.

Ниҳоят, Йиллаб кутилган кун келди. Саъдулланинг болалари қаторда кам қолдирмай, уйга қайтишди.

Учовлон мени қуchoқлаб йиғлашганида ўзимни Хўжамурод, Тўрамурод ва Саъдулланинг ўрнида ҳис қилдим. Энди бу оиласининг отаси мен эдим.

Ҳаёт секин-аста изига туша бошлади. Худойберганга Паризага уйланиш насиб этмади. У кунжара еб, нобуд бўлган эди.

— Урушда Қўрган-кечиргандарим бир тараф, Паризанинг ўлими бир тараф, — менга суянганича мохорка тутатаркан, Худойберган унсиз ва кўзёшсиз йиғларди.

Ҳар суянганида унга бор меҳримни берардим. Уни тушунишими сезишини истардим.

— Сенга суянсам, отамнинг елкасига бош қўйгандай бўламан, — деб қолди у бир гал.

Бу менга тириклигимни, ҳаётда ўрним борлигини яна бир карра ҳис қилишга ундаdi.

Яхшиям одамларга унутиш деган хислат берилган. Йиллар ўтиб, одамлар уруш даҳшатларини, очарчиликни бироз эсдан чиқаргандай бўлишди. Худойберган ҳам ҳаёт давом этаётганини, яшаш кераклигини тушуниб етди. Оила куриб, фарзандли бўлди. Менинг кейинги тақдирим унинг оиласи билан бирга кечди.

Ҳозир унинг невараси Анвар шохимга чиқиб пишиллаб ухлаб ётиби. У худди Хўжамурод акага ўшайди. Унга боболари ҳақида гапириб бергим келди. Шу боис тушига кирдим ва сизга айтгандаримни сўзлаб бердим.

РАСМ

— Нилу, кел, ёнимга ўтири.

Хонтахта устини артаётган келинчак овоз келган томонга табассум билан боқди. Секин юриб, турмуш ўртоғи ўтирган диванга яқынлашди.

Рустам бармоқларини аёлининг бармоқлари орасидан ўтказди-да, шивирлади:

— Ўтири.

Икки кўли билан соchlарини силади. Манглайи, қошлари, киприклиари, кўзлари, бутун чехраси узра нафис қўл югуртириди.

Нилуфар титраб кетди.

— Сенга совғам бор, — Рустам яна шивирлаб гапирди.

— Ростданми, ҳани?

— Бир пас кутишингга тўғри келади.

— Бўлмасам мен ишларимни қилиб тураман.

— Илтимос, магнитафонни ҳам қўйиб юбор.

— Нимани эшитмоқчисиз?

— «Қаро кўзум»ни.

Оҳиста куй тараалди.

Рустам қўлига қофоз ва қалам олганича жимиб қолди. Ниҳоят, қалам қофоз узра ҳаракатлана бошлади...

— Нима қиляпсан, Нилу?

— Мен ҳам совға тайёрлайпман.

Рустам ўрнидан турди. Айни тобда ўзини шундай енгил ҳис қилардики, қўлларини ёйса, самога кўтарилигудек.

Аёлининг ёнига тиззалаб ўтириди. Нилуфар жилмайиб сўради:

— Бугун кайфиятингиз бошқачароқми?

— Ҳа, неча йиллик орзуимга эришдим.

— Қанақа орзу экан у?

— Танишган кунимиз эсингдами? Онам «Учрашувга чиқишинг шартми болам, ўзи тенгингни минг километр наридан зўрға топдик, уйидагилар қизимизни узоққа бермаймиз деб қилган можаролари етади, сенинг нозинг ортиқча» дея ҳар қанча зорланмасин, мен қиз билан гаплашаман деб туриб олгандим. Охири, мажбур бўлишиб Тошкентга олиб келишди. Сени роса саволга тутгандим ўшанда.

— Элакдан ўтказгандингиз-да ўзиям. Дугоналарим хоразмлик-лар қўрс бўлади дейишганида ишонмасдим, сизнинг саволла-рингиздан кейин улар ўн карра ҳақ экан деб ўйладим.

— Нима, ўшанда мендан хафа бўлганмисан?

— Нега энди, хафа бўлганимда ҳозир бу ерда ўтирмасдим-ку. Аксинча пициқ-пухталигингизга ҳавасим келганди.

Рустам рафиқасининг кўлини маҳкам қисди.

— Ўшанда сен ростданам менинг жуфтим эканлигинга, мен учун яралганингта, лойимиз бир жойдан қорилгани ростлигига ишончим комил бўлганди. Сенинг суратингни чизишга аҳд қилгандим. Мана, уч Йил деганда ниятимга етдим.

Нилуфар расмни қўлига олди. Ҳаяжондан бармоқларининг учигача титраб кетди.

— Сиз мана бу шарфни бўйнингизга боғлаб туринг. Мен расмни Шоҳистага қўрсатиб келаман.

— Ҳа, яхши бўларди.

Нилуфар эшикка йўналди. Қўшнисининг уйига учиб келгандай бўлди.

Қўлида қоғоз тутган дугонасини кўриб Шоҳиста, хатмикин деб ўйлади. Қоғозни оҳиста қўлига оларкан, вужудини ҳаяжон қоплади.

— Ие, Нилу, буни ким чизди?

— Рустам.

— Қўйсангчи, — Шоҳиста титраб кетди.

— Рост айтяпман, менга ўхшабдими йўқми, қўрсатай деб келдим.

Шоҳистанинг кўзларида ёш сизди.

— Худди...худди ўзинг...

— Ўзим ҳам бунга шубҳа қилмагандим.

— Ҳозир, тўхтаб тур, — Шоҳиста онасини чақирди. — Опа, қаранг, Рустам Нилуфарнинг расмини чизибди.

— Қўйсангчи, болам, — Замира опа ичкиридан овоз берди. — Ёлғонам эви билан яхши.

— Ишонмасангиз ўзингиз кўринг.

Замира опа расмга тикилганича ҳанг-манг бўлиб қолди. Анчагача нима деярини билмади.

— Ё, тавба, мўъжиза, мўъжиза бу, — шивирлади ниҳоят.

— Опа, бошқа расмларам бор экан. Мана бу осмоннинг бегуборлигини... Кушларни қаранг. Ҳаммаси, ҳаммаси ўхшабди. Ие, Роҳила холанинг расми-ку, қаранг, нон ёпяпти.

— Тавба, тавба, — Замира опанинг тилига бошқа гап келмасди.
Ниҳоят, кўзёшини артганича Нилуфарнинг пешонасидан ўпди.

— Бахтингдан айланай, қизим.

Шоҳиста ҳали ҳам ҳаяжонини босиб улгурмаганди.

— Менчи, бу расмларни ишхонамга олиб бораман, журналга
юбораман. Телевидениега хат ёзаман. Одамлар кўриб қўйсин.

— Кўйсангчи, — Рустамнинг келганини улар пайқашмаган
екан. — Мен буларни кўнглим учун чиздим.

— Барибир...барибир...

Нилуфар эри томон дадил юрди. Рустам қўлларини чўзиб тур-
ганди.

Замира опа бошини чайқади.

— Ким айтади буларни басир деб...

ЎЗГАНИНГ ДАРДИ

...Рост-ёлғонлигидан қатын назар биз бунга ишонардик. Бирбирумиздан күнглимиң қолса «Сенга Раҳим чолниридай гуноҳ чиқсин», дея пўписа қилар, сўзимизга ишонтиromoқчи бўлсак, «Ёлғон гапирсам Раҳим чолниридай гуноҳ чиқсин» дея қасам ичардик. Чолга рўбарў келиб қолсак, гуноҳ юқишидан қўрқиб қочардик.

Раҳим чол деганлари саксонлардан ошган қария эди. Қишин-еэзин эгнида қора чапон, бошида чўтирма бўларди. Қийшиқ таёққа суюниб, қачон қараманг, йўлда юрарди. Танимаган одам уни лўли-пўли бўлса керак деб ўйлаши аниқ. Ранги қора, чўтири, кўзлари кичкинагина, қошлари деярли йўқ, умуман, ранги биз болаларга қўрқинчли туюларди. Бўйнида муштдек нарсаси бўлиб, унинг нималигини билмасдик. Аммо катталар ҳам унга ғалати қараашгани эсимда. Ҳамма буни гуноҳ белгиси сифатида таърифлашарди. Бирорлар чол отасидан қарғиш олган деса, яна бирорлар онасини урганимиш дерди. Бошқалар эса бир мулланинг нарсасини ўғирлаб, қарғишга қолган деб гапиради. Ҳеч ким аниқ гап айтмасди.

Чол бу гапларга парво қилмас, ўз-ўзидан одамларга гап очар, уйларга кириб, дастурхон четида ўтириб оларди. Катталар уни ёқтиришмаса-да, кет дейишга ҳадлари сифмасди. Чол эса бир коса овқат емагунча ўрнидан туришни хаёлига ҳам келтирмасди. Ўзича охират, қиёмат ҳақида гапиради.

— Оталар қолиб болалар гапирадиган замон келди. Ҳеч бир гуноҳ жазосиз қолмайди. Бирорнинг фийбатини қилган, унинг гуноҳига шерик бўлади.

Ўҳӯ, бунақа гапларнинг қанчасини айтмаган дерсиз. Ота-оналаримиз уларни тинглашга мажбур бўлишарди. Чолни ҳайдаб солиши-са, гапига қарши чиқиши, қўлини тескари қилиб, қарғашдан тоймасди. Бу «оқоёқ, осий чолдан ўлиб қутулмасак, қутулмаймиз» дейишарди улар. Шу чолни деб эшикларни қулфлаб қўядиган бўлишганди.

Қисматни қарангки, пешонамизга чолнинг невараси билан бир синфда ўқиши битилган экан. У жудаям озгин, нимжон бола эди. Ранги оқлигидан биз уни доим «мурдага ўштайди» деб мазах қилардик. Бешинчи синфда ўқишимизга қарамасдан, ҳамон ўқиши-ёзиш

ни билмасди. Ўқитувчиларимиз уни авраб ҳам кўришди, сўкиши-
ди, ҳатто уришди. Фойдаси бўлмади. У бизга ўзга дунёнинг ода-
мига ўхшаб кўринарди. Ҳеч ким у билан бир партада ўтирумас,
деярли гаплашмас ҳам эди. Ўзи ҳам бизга қўшилишни истайвер-
масди. Дарсдан чиққач уни йўл бўйи мазах қилиб борардик.

— Зарифнинг бобосининг гуноҳи бор!

— Ҳали Зарифга ҳам гуноҳ чиқади!

Зариф йигларди.

— Бобомнинг гуноҳи йўқ.

— Бўлмаса, бўйнидаги нима, қўзиқоринми?

— ...

— Буванг гуноҳкор, — Шавкат Зарифни туртиб юборарди. — Нимага бўлмасам бутун қишлоқда битта сенинг бувангни бўйнида маддаси бор?

Бошқаларимиз ҳам кучимизни кўрсатмоқчи бўлиб ҳезланардик. Зариф йиглаб қочарди. Ҳар куни шу зайл қий-чув қилиб уйимизга тарқалишардик.

...Шифохонанинг узун йўлаклари бўйлаб қадам ташларканман, негадир кўз олдимга ўша воқеалар келди. Вужудимни нимадир, қандайдир кучми, илма-тешик қилиб юборгандай бўлди.

— Сиз шу ерда кутиб туринг, — шифокор операция хонаси эшигини ичкаридан ёпди.

— Дада, — ўғлим қўлини чўзди.

— Ҳаммаси яхши бўлади, — пи chirладим. Буни ўғлимга ўтти-
зинчими, қирқинчими марта такрорлашим эди. Ҳаёлимда турли
воқеалар чарх ураг, кўнглим бежо эди. Кўз олдимдан Зариф, унинг
мунгли нигоҳи кетмасди.

Мана, атрофимни аллақандай шарпалар ўраб олди. Уларнинг тажовузкор нигоҳлари нигоҳим билан тўқнашаркан, гўё ўн беш йил олдин Зариф мен бўлганман шекилли, ё Зарифнинг руҳи ичимга кириб олган дея ўйлай бошладим.

...Бир куни Зариф синфимизга онасини етаклаб келганди. Аёл ўқитувчимизга нималарнидир гапирди. Муаллима бошини сараксарак қилганича вожоҳат билан ўрнидан турди.

— Сизларга ким айтди Раҳим чолнинг гуноҳи бор деб?

Ҳаммамизнинг бошимиз эгилди.

Ўқитувчимиз алланималарни узоқ гапирди, охирида қўшиб қўйди:

— Ҳар бирингиз Зарифдан алоҳида кечирим сўрайсизлар!

Бошқаларни билмадиму, аммо менинг ичимга ғалати бир қалтироқ кирди. Тишимни фичирлатиб қўйдим. Кечирим сўраш наvbati келганида баъзўр мингириладим.

Дарслар тугади. Икки юз метрларгача тинч келдик. Ер остидан бир-биrimизга қараб қўямиз. Ниҳоят Сарвар Зарифнинг папка-сидан тортқилаб, юзига тупурди.

— Барибир бобонгнинг гуноҳи бор, сенгаям чиқади, қизбола.

Биз ҳам ёрилиб кетай деб тургандик. Бор сўкишларимизни тўкиб солдик, юзига туфладик.

...Юзимга келиб теккан шилимшиқ хаёлимни тўзғитиб юборди. Кўзим...Зарифга тушди. У бурнини қоқиб юзимга отди. У бу ерда нима қиляпти? Менчи? Ўзимни бемажол сездим. Гўёки руҳим танимни тарк этаётгандай туюлди. Бир тўда иблислар қуршовидаману, улар устимдан хо-холаб қулишаётгандай эди.

— Сизга нима бўлди? — кимдир мени туртаётган экан.

— Ҳеч...нарса, — шивирладим.

— Укол қилиб қўяйми?

Бош чайқадим.

— Сиз шу ерда ишлайсизми?

— Ҳа, ҳамшираман.

— Ўғлим омон чиқармикин?

Ҳамшира жимиб қолди.

— Ҳозир сизга дори ёзиб бераман, югуриб бориб олиб кeling, операция хонасига киритишим керак.

— Ҳўп, ҳўп.

Қофозни қўлимга олдиму, аптекага югурдим.

Рўйхатдаги учта дори ҳам қимматбаҳо экан.

— Ўғлимни операция қилишяпти, илтимос тезлашинг, — шошилтиридим аптекачини.

У менга ғалати қараб қўйди. Шу қараши Зарифга ўхшаб кетди.

...Биз Зарифни сафимизга қўшмадик. Раҳим чол оламдан ўтиб, қишлоқдагилар бир балодан кутулгандаи енгил тортищди. Бироқ унинг оила аъзоларини ҳали ҳам унчалик хушлайверишмасди. Йиллар ўтиб, биз улғайдик, яхши ёмонни, рост ёлғонни ажратадиган бўлдик. Шундаям Зарифга муносабатимиз ўзгармади. Мактабни тутатиб ҳар биrimиз ўз йўлимиздан кетдик.

Мен ўқишига кирдим. Иккинчи курсни тамомлаб, таътилга келганимда, Шавкатни учратдим. Ранги сўлғин, касал одамникуга ўхшаб қолганди.

— Зариф ўлди, — хўрсинди салом-алиқдан сўнг.

— Қайси Зариф? Анови Раҳим чолнинг неварасими?

— Юраги касал экан. Кейин ўсмаям чиқибдимиейт. Ўзимни ёмон ҳис қиляпман. Уни биз ўлдирдик. Э, падарига лънат Раҳим чолнинг гуноҳиниям, шу гапни ўйлаб топганийам, — Шавкатнинг кўзидан ёш сизаётганини кўрдим.

Шавкат деганим, забардаст, чапдаст йигит. Шўх, ўйинқароқ. Ирим-сиримларга умуман ишонмайди. Унча-мунчага ҳафаям бўла-вермайди.

Уни ҳозирги аҳволида кўриш менга осон бўлмади.

— Кўйсангчи, — минғирладим. — Қаердан топдинг бу гапни?

— Агар биз унга одамга ўхшаб муносабатда бўлганимизда, бу аҳволга тушмасди.

— Ахир булар ўйин эди-ку.

— Ёвузлик ўйин бўлолмайди. Уни шунчалик таҳқирлардик. Бундан завқланардик. Эй, худо, қанчалар тубанлик бу.

— Бўлди қил-е, нима бало, жинни-минни бўлдингми?

Уни чалғитмоқчи бўлардиму, аммо тилимга бирон баъмани гап келмасди. Аксинча, ўзим унинг таъсирига тушиб қолаётгандим.

Шавкат билан Зарифнинг мозорини зиёрат қилиб, қайтарканмиз, елкамни аллақандай юқ босаётганини сездим. Кўз олдимдан Зарифнинг қиёфаси кетмади. У гоҳ ғазаб билан, гоҳ мунгли термулар, гоҳ муштини тутиб қочарди. Шу куни биринчи марта кўзимга ёш келди. Ўзимни Зарифнинг ўрнида тасаввур қилиб кўрарканман, нафасим сиқилаётганини ҳис қилдим. Ростданам, наҳотки шунчалар виждонсиз бўлганмиз? Одамгарчилик мезонларини наҳотки билмаганмиз? Раҳим чолнинг гуноҳи бор деган гапни ким ўйлаб топди экан ўзи? Уйимизда ҳам бу ҳақда кўп гапириларди. «Раҳим чолникидай гуноҳ чиқади» деган танбеҳ жазонинг энг оғири эди биз учун. Уни кунига тўрт-беш марта эшлишишимизга тўғри келарди.

Ҳамма нарсанинг чегараси бор дейишади. Назаримда биз Зариф билан муносабатларимиз чегарасини билмаганмиз, ўйинимиздан ўймоқ чиқишини хаёлимизга келтирмаганмиз.

Шу куни илк бор мезонлар ва меъёрлар ҳақида ўйлаб кўришга қарор қилдим. Уларни неча марта бузганлигим кўз олдимга келди. Синфдош қизнинг севгисини топтаганим, курсдошларимга қилган фирромликларим, майдо-чуйда ўғирликлар... Негадир ўзимни ёмон одам деб ўйлай бошладим. Яхши ҳислатларим ҳеч ёдимга тушмади.

Таътил таътимади. Ўқишлар бошланишидан сал олдинроқ шаҳарга қайтдим. Афти-ангормини, феълимининг ўзгарганини кўриб, дўстларим ажабланишди. «Нима гап, нима гап»лар кўпайди. Яшириб ўтирамадим. «Мен синфдошимнинг ўлимга сабабчи бўлдим» дедим. Улар кўркиб кетишли. Воқеаларни айтиб бергандим, кулишиди.

— Нима, жиннимисан? Қолипга сигмайдиган гагларни гапирасан? Вос-вос бўлиб қопсан.

Ўртоқларим мени овутиш учун кўп уринишиди.

— Балки Зариф туғма касалдир.

— Ўзи айборд ҳаммасига. Ўлиска экан.

Аввалига уларнинг бундай далдалари виждонимни бадтар қийнади. Нега биз Зарифга шундай меҳрибонлик кўрсатолмадик, деб ўйлай бошладим. Вақт ўтиб, бироз чалғидим. Тўғри-да, нима, уни бўғиб ўлдирибманми, ё мен бошлабманми ўша томошаларни. Атрофда бундай воқеалар қанчадан қанча. Ким кимнинг дилини оғритмаган. Ўзимни ҳам неча марта мазах қилишмоқчи бўлишган. Йўл қўймаганман. Неча бор панд еганман. Яшаб юрибман-ку. Ўзи Шавкатда гап.

Хуллас, бу ҳақда бошқа ўйламадим. Аммо... Кунларнинг бирида Сарварнинг бедаво дардга чалинганини эшишиб, вужудимга қалтироқ кирди. Шавкат тухмат билан қамалганидан кейин-ку бутунлай тамом бўлдим. Назаримда Зарифнинг руҳи биздан ўч олаётгандек эди. Аслида ҳам шундайми, йўқми, ишқилиб хаёлимга шу фикр ёпишиб олди. Кечалари алаҳсираб чиқадиган бўлдим.

Ўғлимнинг томогида ўсма пайдо бўлиши ваҳимамни ошириди.

Уни операция хонасига олиб кириб кетишаётгандга, худди Зариф тортқилаётгандек туюлди.

Кўлимда бир кути дори билан операция хонасига яқинлашарканман, ваҳимам тарқамаганди.

Хонадан чиққан шифокор мени кўриб кўркиб кетди.

— Тинчликми? Ўзингизни босинг, операция яхши ўтди.

Аввалига ҳеч гапга тушунмадим. Тушунгач эса қичқириб юбордим. Дўхтирни кучоқлаб, кўтардим.

— Айтгандим-ку сизга, бунинг ҳеч кўрқинчли жойи йўқ деб. Дарвоқе, нималар кўтариб юрибсиз?

— Ҳамишира дори сўраганди, — қутини унинг кўлига бердим.

Дўхтир дориларга разм соларкан, бошини чайқади.

— Ким айтди буни сизга? Бу дориларнинг ўғлингизга умуман кераги йўқ.

— Йўғе, — шалвираб қолдим.

Шифокор ўша ҳамширани топиб беришимни талаб қилди. Ортга бурилиб, мен ўша қизнинг ўн метр нарида ранги оқариб турганини кўрдим.

— Тўғриси, ранги эсимда йўқ, — дедим овозимни қизга эшитириб.

Дўхтир бошини сарак-сарак қилганича, хонасига кириб кетди.

Ҳамшира ёнимга югуриб келди.


— Раҳамт сизга... Мен адаштириб...

Унинг адашган-адашмагани менга қоронғу. Бироқ энди адашмаслиги аён эди.

Реанимация хонасига ўтиб, ўғлимни кўрдим У ухлаб ётарди.

Шифохона ҳовлисидағи ўриндиқда муштдеккина бўлиб ўтирган аёлимга, ҳаммаси яхшилигини айтдим.

Шу тобда силкиниб-силкиниб йиғлагим келарди...



СОЯБОН

Яна шарррос ёмғир күйди. Онамнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, күчага шошилдим.

Азалдан ёмғирни яхши кўраман. Ёмғир томчилари остида сайд қилиш жону дилим. Ёмғирдан кейинги ер ҳидини ҳеч қандай атира ҳидига алишмаган бўлардим.

Шу одатимни деб неча бор шамоллаб қолганман. Шунинг учун онам мени кўчага чиқармасликка ҳаракат қиласди. Аммо тўлибтошиб турган қалбимга буни тушунтириб бўлармиди, панду насиҳатлар билан уни жиловлаб бўлармиди? Асло.

Баҳорни ёмғирлари учун яхши кўраман. Ўтган йили апрелда у менга ҳаётимдаги энг ҳаяжонли дамлардан бирини ҳадя қилди.

Ўшанда мен университетни тамомлаш арафасида эдим. Давлат имтиҳонларига тайёргарлик кўраётгандим. Кутубхонадан қайтаётганимда ёмғир бошлаб қолди. Кувончим ичимга сифмай, ёш боладай сакрадим. Ёмғир тезлигини ошириб, жалага айланди. Одамлар ўзларини панага ола бошладилар. Мен парво қилмасдим. Бироқ сал ўтмай этим жунжика бошлади. Шамоллаб қолсам, эртага имтиҳонга тайёргарлик кўролмаслигим, уни кўнглимдагидек топшира олмаслигим мумкин. Қандай йўл тутишни билмай караҳт қолдим. Аксига олиб, ёнимда пул олиб чиқмаган эканман. Бирон транспортга минган бўлардим. Пиёдага эса йўл, анча олис.

Худди шу тобда эртакдагидек мўъжиза рўй берса бўладими.

Кимдир бошим узра соябон тутди. Шу тобда мен учун дунёдаги энг раҳмдил инсонга айланган бу саҳоватпешага раҳмат айтиш учун юзландим. Қаршимда баланд бўйли, кенг елкали, пўрим кийинган, ёши ўттизлар атрофидаги йигит турарди. Нигоҳларимиз тўқнашиши билан юрагим алланечук гупиллаб кетди. Кўзларимни олиб қочдим.

— Раҳмат, — дедим секингина.

— Арзимайди, — йигит ҳам секин жавоб қайтарди.

У исимимни сўрашини, қаерда яашшим, нима иш қилишимни сўраб-суроштиришини кута бошладим. Ярим чақиримча йўл юриб қўйдигу, йигитдан садо чиқмади. Ўзим гап бошлашга негадир журъат қилолмадим.

— Мен манзилимга етиб келдим, — күп қаватли бино қаршиисига етганимизда у менга қараб жилмайди.

— И — и, шу — шунақами, майли бўлмасам.

— Сиз соябонни олиб кетаверинг, шамоллаб қолманг тағин.

— Й — йў — фе, ни — нималар деяпсиз.

Йигит гапимни туттишишми кутмай соябонни қўлимга тутиказдид-да ичкари кириб кетди.

Анчагача нима қилишимни билмай серрайиб туриб қолдим. Бинога кирган-чиққан ёвқараш қилаётганини кўриб, кетмасам бўлмаслигини тушуниб етдим.

Кўзимга жиққа ёш тўлди. Нега у менга галирмади? Ёки, мен хунук қизманми? Унга нима учун ёқмадим?

Уйга киришим билан ойна олдига бордим. Китоб ўқишимга ҳалақит қилмасин деб сочимни тортиб йигнагандим. Унчалик ярашмабди. Кийимларимам одми. Энгариб юрганимдан қоматим чиройли кўринмайди. Уфф...

Эртаси имтиҳондан чиқишим билан гўзаллик салонига бордим. Сочимни турмаклатдим. Кейин шейпинг машғулотига қатнашдим. Шу тариқа бир ҳафталарда қадди-бастим анчайин ўзгариб қолди.

Юз-кўзим шундоғам бинойидай.

Дипломимни муваффақиятли ҳимоя қилганим муносабати билан онам сўнги урфдаги кўйлак совға қилди.

Истаган йигитни ром қила олишимга ишончим комил бўлгач, соябон эгасини излашга тушдим. Бино қаршиисига бир неча бор келиб турдим. Бир неча йигитни ошиғимга айлантиридим, бироқ уни учрата олмадим.

Олtingими-етгинчи уринишдан кейин таъбим хира бўлиб уйга келсан, соябонни уч яшар жияним ўйнаб юрибди. Додлашимга бир баҳа қолди. Қўлидан нақ юлиб олдим. У бақириб йиглашга тушди. Хархашасига қарапмидим.

— Вой — бў, эски соябонга шунчами? — опам мендан аразлади.

Эҳ, унга ичимдагини айттолмайман-ку.

Шу куни уйда мени қаттиқ муҳокама қилишди. Юриш-туришим ўзгариб қолганини, бекор юришим яҳшиликка олиб келмаслигини айтиб, зудлик билан иш топишимни топширишди.

Ростданам диплом олганимга икки ойдан ошдию, ҳали иш ҳақида ўйлаб кўрганим йўқ. Ахир ота-онам, ўзлари айтганидай, бекор юришим учун контракт пули тўлаб ўқитишмаган-ку.

Гуруҳдошларим билан телефонлашдим. Уларнинг аксарияти ишга жойлашибди.

— Мен қүшма корхонага ишга кирдим. Яна биттә ўрин бор. Аммо раҳбари ниҳоятда қаттиққұл, — деди Сарвар.

Омадимни синааб күриш учун эртаси унинг ишхонасига йўл олдим. Бахтимга ёмғир ёғса бўладими. Севимли соябонимни қўтарганимча йўлга тушдим.

Раҳбар хонаси эшигини шаҳд ва ишонч билан очдим. Очдиму бўшашиб қолдим. Раҳбар креслосида... у ўтиради. Қадамимни олдинга ё ортга отишни билмай талмовсирадим.

У қўли билан ўтиринг ишорасини қилди. Рӯпарасидаги курсига омонатгина ўтиредим. У тўрт ой аввал кутган саволларим билан мурожаат қилди. Жавобларим пойинтар-сойинтар бўлди.

— Ишни эплаб кетишинингизга қўзим етмаяпти. Қош-қовоқни камроқ бўяб, қўпроқ китоб ўқиш керак, — у ҳужжатларимни қайтариб берди.

Нима? Қулоқларимга ишонмасдим. Йиглаб юбормаслик учун лабларимни тишлидим. Асабийлашганимдан бўғимларим бўртиб чиқди.

Қабулхонада мени кутиб ўтирган курсдошим қўлидан соябонни юлиб олдим-да, ортга қайтдим.

— Яна нима?

— Эски соябонингиз ўзингизга буюрсин.

Тўрт ойдан бўён авайлаб юрган нарсамни нақ отиб юбордим.

Раҳбарнинг кўзлари катта-катта очилди.

Мен эса тез-тез юриб хонадан чиқиб кетдим.

Ҳеч нарсага тушунмаган курсдошим алланималар деди. Аммо эшишишни истамасдим. Бу пайтда ҳиқиллаб йиглардим.

Бино эшигини тарақлатиб ёпдим.

Йўлга яқинлашганимда, у исмимни айтиб чақирди.

Тўхтадим. Орқага қарашга журъатим етмади.

— Жала остида ўйнаб юрганингизда пайқагандим тентаклигингизни.

У рўмолчасини узатди.

— Юринг, бафуржа гаплашамиз.

— Фақат соябонни қайтиб беринг.

— Майли, шундоғам уни ташлаб юборардим.

Ортга қайтарганидан хурсанд эдим. Шу боис нима десада зътиroz билдиримасликка ҳаракат қилардим.

Шу тарзда мен учун янгича ҳаёт эшиклари очилди.

Яхши ходим ва яхши қиз бўлиш учун астойдил ҳаракат қилдим. Лекин у сира мен кутган гални айтмасди.

Яна баҳор келди. Ёмғирли кунда күптарнинг кўзига хунук кўри-
надиган суюкли соябонимни кўтарганимча ишга келдим.

Столим устида аллақандай совға турарди.

Қизиқиш билан очдим. Янги, чиройли ва қимматбаҳо соябон.
Албатта, ундан бўлса керак. Хатиям бор шекилли. Наҳотки севги
изҳор қилган бўлса... Афсуски, хатни ўқишим билан ҳаяжоним-
дан асар ҳам қолмади. «Шундай қилмасам, эски соябонингизни
ташламайсиз шекилли». Кўзимдан ёш айланди. Ўзимни хўрлан-
гандай ҳис қилдим. Иккала соябонни ҳам йиритиб ахлат кутисига
ташлагим келди. Янгисидан бошлайман деган ниятда уни очдим.
Ичидан яна қофоз чиқди. Концертга чипта экан. Бу одам мени
жинни қилиши аниқ.

Совғаларни столим торгмасига жойлаб, энди ширин ўйлар
огушига фарқ бўла бошлагандим, раҳбар чақираётганини айтиши-
ди. Хурсандлигимдан қичқириб юборай дедим.

Эшигини тақиллатмасдан тўғри очдим.

Табассум билан қарши олишини кутгандим. У эса хўмрайган-
ча қофоз титкиларди.

Тўғри ёнига бордим ва қофозини четга суреб қўйдим.

— Эсингизни еганмисиз? — бу савол мени ўзимни тутиб олиш-
га мажбур қилди.

— Ке-чирасиз, чақирган экансиз.

— Ўтириңг. Мана бу хужжатларни зудлик билан таржима қилиб
берсангиз.

У қўлимга узатган қофозлар йигирма варақча эди.

— Бугунми?

— Ҳа, ишни тугатмагунингизча уйингизга қайтмайсиз.

— Н-німа?

— Бўпти, боринг.

Ё у телба, ё мен.

Бу одамнинг мақсади нима ўзи? Бу қанақа зарур хужжат экан?

Қофозларга кўз югуртиарканман, ғалати бўлиб кетдим.

«Дўстларим қизларни севиб қолишгани ҳақида гапиришса бу
қандай туйғу экан деб ҳайрон бўлардим. Синфдошларим, курс-
дошларим ҳар бирлари неча маротаба ишқ шаробидан тотиб
кўришди. Аммо ўттиз ёшга кириб ҳам бу менга насиб этмади.

Ота-онамнинг ёлғиз ўғлиман. Етти қиздан кейин туғилганман.
Шунинг учунми қизларга хурматим баланд. Баъзиларга ўхшаб қиз-
ларни ёлғондан севишни, уларнинг дилини вайрон қилишни ҳеч

қачон истамаганман. Чинакамига севиб қолишни эса ўн олти йилдан бүён орзу қиласман. Ҳар гал нотаниш қизни учратганимда бу ўшамикин деб ўйлайман. Бироқ юрагим жиз этмайди. Бир қизнинг ёмғир остида сайр қилиб юрганини кўриб юрагим нақадар ҳаприққанини таърифлаб беролмайман. Шу қадар ҳаприқди, ҳатто қўрқиб кетдим. Шу қўркув туфайли у билан танишишга журъат этолмадим. Кейин эса нақ тўрт ой ўзимни койидим. Қанчалар аҳмоқона иш қилганимни тасаввуримга сигдира олмасдим. Лоақал юзига яхшилиб қарамаганим учун ўзимни ёмон кўрадим. Шундай бўлганида ҳам уни топишим мумкин эди-ку. Хонамга ёш мутахассис кириб келганида юрагим иккинчи бор ҳаприқди. Наҳотки у бир ўтни ўчирмасдан туриб, иккинчисини алангалатса деб ўйладим. Мутахассис билан дурустроқ савол-жавоб қилолмаганимнинг боиси шунда. Қиз соябонни столимга улоқтирганида эса қўркувим янада улғайди. Бу мен кутган мўъжиза эди. Аммо бу мўъжиза чинакамлигига ишончим комил бўлиши учун ўзимни қўлга олишим, эҳтиосларимни жиловлашим керак эди. Ахир у мен учратган қизлар ичра энг гўзали. Шундай малакнинг ошиги бўлмаслиги мумкинми? Фаришталардан сулув қиз менга ўхшаган девбаччага кўнгил қўярмикин? Унга кўнгил ёрсам, кўнглим чилпарчин бўлиб қолмасмикин? Бу саволларга олти ой жавоб изладим. Назаримда уларнинг жавобини топгандайман. Энди қўркувни енга олишимга кучим етади. Балки қизил елканли шаҳзода эмасдирман. Бироқ ундан сахийман. Ҳар қалай эски соябонимни ҳадя қилдим-ку».

Узундан узоқ кўнгил кечинмаларини ўқирканман, юрагим ҳаприқкандан ҳаприқарди. Дунёда бошқа бунақа тентак инсон бормикин? Уни нима қилса бўлади? Бир тарафдан ширин энтиксам, бошқа тарафдан «хужжат»ларни таржима қилиш ёки қилмаслигимни ўйлаб бошим қотди. Ахир, ундан ҳар нимани кутса бўлади. Ваҳоланки, таржима қилиш қийин эмас-ку, аксинча мароқли-ку деган фикр билан «иш»га шўнгидим. Очиги, ўз ишимдан бирон марта бунақа қониқиши ҳосил қилмагандим ва ҳеч қачон ишимга бунчалик кунт билан ёндошмагандим. Шу тариқа вазифамни иш тугашидан анча олдин уddeладим. Демак, концертга бориш учун ясан-тусан қилишга бемалол улгурман.

Қоғозларни қўлимга тутганича виқор билан унинг хонасига кирдим.

Анчайин мулойимлашиб қолганини юзидан сезиш қийин эмасди.

— Бунақа шахсий ёзувларингизни менга таржима қилдирманг,-дедим иложи борича қовоғимни уйишга уриниб.

— Шунақами, унда бошқа ҳужжат бераман.

— Йўқ, — деярли бақириб юбордим. — Бугунги вазифамни ортиги билан бажардим. Энди уйга кетмоқчиман. Мени концертга таклиф қилишган.

— Сизга ўҳшаган тентакни қайси аҳмоқ концертга таклиф қилибди?

— Бор, шунақа аҳмоқ.

Ҳали, қараб туринг, дердим ичимда, ҳаммаси учун жавоб берасиз.

Эшикдан чиқаётганимда у яна гап отди.

— Ҳарқалай, концертга эски соябонингизни ташлаб борарасиз.

— Ўзим ҳал қиласман.

Уйга келиб, кийимларимни алмашладим. Бекатга яқинлашганимда унинг машинасига кўзим тушди.

— Мени кечиринг, — у бошини ҳам қилди.

Нима дейишимни билмай каловланиб тургандим, у яна пи-чингта ўтди.

— Кўяверинг, хафа бўлишга сизнинг ақлингиз етмайди барибири.

— Э, боринг-э.

Иккаламиз ҳам шарақлаб кулиб юбордик. Ўша куни у менга каттакон күёнча совға қилди. Оппоқ. Яна янги. Эски соябонни қанчалик эъзозласам уни ҳам шунча қадрлайман.

Тўйимиз тез кунларга белгиланишини ҳеч кутмагандим. Эртаси куни унинг уйидагилар совчиликка келишди. Тўй биз илк учрашган кунга белгиланди.

Мана, бугун ўша кун. Ҳозир ҳаяжондан дир-дир титраяпман. Яна ёмғир ёғяпти. Унга миннатдорлик билдириш учун бағрига чопдим...

БУРИЛИШ

Ёмғир потирлаб қуя бошлади. Сапорбой сұқинди. Жаҳл билан болтасини отди. Тонг қоронғусида ҳавонинг авзойи бузуқлигини пайқамаган экан. Йүқса шу түқайга келармиди. Бу ёқда совуқ юзни тирнайды. Лаяннати...

Үғли эсига тушиб, унга юзланди. Комилжон ёмғирға зәтибор бермас, түрөнғилнинг майды шоҳларини хафсала билан йиғнар, курткасининг енгию, шимининг тиззасидан пасти аллақачон лойға беланиб ултурғанди.

Сапорбой икки қадам ташлаб, ўғлиға етди. Уни қаттық бағриға босаркан, юзларини ёмғир юяптими, күзёшими фарқлаёт-мади.

— Сен араванинг тагига кириб ётақол, ёмғир ҳозир тиниб қолади.

— Сиз-чи?

— Менга балоям урмайди.

— Иккаламизам сиғамиз, калламиз кирса бўлди-да.

Ота-бала бир амаллаб араванинг тагига жойлашиб олишиди.

— Сиз қўпам қисинаверманг, дада, — Комилжон отасининг қўлинини сикди.

— Нега қисинарканман, қаердан олдинг бу гапни?

— Кечаси билан босинқираб чиқдингиз.

— Э, бу чарчаганимдан, — Сапорбой ўғлиға маъюс тикилди.

Худо шу болани бирон бадавлатроқ, омадлироқ одамга фарзанд қилиб берганида борми... Эҳ... У тонг қоронғусида отасига қўшилиб түқайга йўл олади, ўтин теради. Икковлон ўтинни аравага жойлаб, бозорга келишади, сотиб рӯзгорга у — бу харид қилишади. Комилжон уйга келгач овқатланишни ҳам унутиб, дарс тайёрлашга киришади. Яхшиям дарслари пешинда. Мактабдан қоронғу тушганда қайтиб келади. Овқатини чала еб, дастурхон четида ухлаб қолади.

Кеча ўғлининг синфдоши Сапорбойни йўқлаб келибди.

— Ўғлингизга этик олиб беринг, минг ямоқ бўлиб кетибди ўзиям. Бугун синфдаги болалар устидан роса кулишиди, Николайнинг замонидан қолган дейишди.

Сапорбойнинг томогига нимадир тиқилгандай бўлди. Эшик олдига бориб ўғлининг этигини қўлига олди. Ичидан зил кетди. Дунёда ундан ёмон ота бўлмаса керак.

— Эртага ўтиннинг пулига янги этик оламиз, — дарс қилаётган ўғлининг елкасига қоқиб қўйди ота.

Тўқайга отланишаркан, Комилжон этигини кияётиб, отасига юзланди.

— Кечаси билан ўйлаб чиқдим, дада. Ҳозирча менга этик керакмас, қиши ҳадемай тутгайди. Яхшиси укаларимга совға олиб, уларни кўришга борамиз.

Сапорбой ўғлини қаттиқ бағрига босди.

— Яхшиям сени берибди худо.

... — Дада, ёмғир пасайди, турмаймизми, — ўғлининг овози хаёлларини бузди.

— Тингунча кута қолайлик.

— Унда мактабга кеч қоламан. Ёмғир... ўзимизнинг ёмғир-ку.

— Шуни айт.

Ота-бала ишга киришди. Қаҳратон совуқда манглайларидан тер оқарди.

Ниҳоят арава ўтинга тўлди. Энди совуқ ҳам, ёмғир ҳам таъсир қилмас, чарчаганларини тан олишни истамай, бор кучлари билан бозор томон судралишарди.

Ёмғир ёққани учунми бозорга ўтин тушмабди. Киришлари билан харидор топилди.

— Яхшиям қишида газни илиб қўйишади, — ишшайди Сапорбой ўғлига.

Комилжон шу тобда кўзларини отасидан яширад, уни бу ердан тезроқ олиб кетишини ўйлай бошлаганди.

— Дада, уйга кетайлик, совуққотяпман.

— Укаларингга конфет олайлик, ўзинг айтдинг-ку.

— Эртага оламиз, ҳозир кетайлик.

Аслида ўтган-кетган уларга ёвқарашиб қараётганини Сапорбой ҳам сезган, уларга эътибор бермасликка ҳаракат қилаётганди.

— Нима бало, жинни бўлганимисан дейман. Юришингни қара, беномус, осилиб ўлганинг яхшимасми ундан кўра.

Сапорбай овоз келган томонга ялт этиб қаради: Санам, орас-та кийинган, ёнида 35 — 40 ёшлардаги киши.

— Сенга айтган собиқ эрим шу, энди тушунгандирсан, ҳаётим қанчалар аянчли кечганлигини.

— Афсус, — олифта Санамнинг қўлини сиқиб қўйди.

Сапорбой муштини тугди. Комилжон уни тортқиласди.

— Юринг, кетайлик, илтимос, жанжал қилманг... Турмада ётганингизда ёлғиз кўрқдим.

Сапорбай тишини гичирлатди.

— Сен-чи, сен уялмайсанми, бу юришингдан. Отанг-ку алла-қачон тамом бўлган, — Санам ўғлига юзланди. Кейин сумкасини очиб, пул санади. — Ма, эгнингга бир нарса ол. Йўқ, яхшиси мен билан юр.

Комилжон орқага тисарилди.

— Ўзимизнинг пулимиз бор.

— Бетофиқ, боланинг ҳәстини захарлашмиди мақсадинг. Бо-қолмасанг, нима қиласардинг олиб қолиб. Шошмай тур-чи, сени оталик ҳуқуқидан маҳрум қилдирмасам, — Санам собиқ эрига нафрат билан тикилди.

— Э, боре, — Сапорбай сўкинди. Ўғли яна қўлидан тортди. Ота индамай боласига эргашди.

— Укаларимга салом дент, опа, — Комилжон орқасига қараб онасига қўл кўтарди.

Санам йиғлаб юборди.

— Мен билан юр, жон болам.

Комилжон бош чайқади. Отасининг қўлларини қаттиқ қисди.

— Менга қара, бошим оғрияпти, бор, бир шиша ароқ олиб кел, — ўн қадамча юргач ўғлини туртди Сапорбай.

Үйга жимгина киришди. Сапорбай кийимларини ечиб, даҳлизга отди. Ювенишни ҳам истамай, хонасига кириб, кроватга чўзилди.

Комилжон аввал пиёз тўғради, пиёлани артди. Ароқ билан газакни кроват ёнига қўйиб чиқиб кетди.

Дарс тайёрлагиси келмади. Хонага хафсаласиз кўз югуртириди. Сувоқлари кўчиб кетган, деразага парда олишга ҳам пул орттира олишмайди. Палос устидаги кўрпачалар кир бўлиб кетибди. Тўрда яшик устида эски телевизор. Ўртада йиртилиб, оқариб кетган клёнка. Устида қотган нон, ювилмаган икки пиёла. Комилжон хўрсинди-да, хонани тозалашга киришди...

...Сапорбай пиёзни гичирлатиб тишлаганича, пиёлани тўлдириб ароқ сипқорарди.

...Ҳаммасига ўзи айбдор. Омадсиз, ношуд, нотавон. Толесиз, бедавлат. Гоҳида нега яшаеттанини ҳам билмай қолади. Санам осилиб ўлсанг бўлмасмиди деди-я. Жон деб осиларди Комилжон бўлмаганида. Етимликнинг нималигини у қаердан билсин. Одамнинг яхшими, ёмонми, кўрми, соқовми, ота-онаси бўлгани яхши. Агар етим бўлмаганида у ҳам ҳаммага ўшаб баҳтли турмуш ке-чирарди.

У ҳам болалигыда Комилжон каби зийрак, тиришқоқ эди. Мактабда ҳам, институтда ҳам айлога ўқиди. Ҳатто мактабни олгин медалга, институтни имтиёзли дипломга тамомлаши мүмкін эди. Лекин уни күвватлайдиган одам топилмади. Агар амакиси озгина құллаб юборганида, ҳозир олимми, амалдорми бўлиб кўкрагини кериб юрган бўларди. У-чи, бор-йўғи колхоз агрономи бўлди.

Йўқ, амакисини бекор айблаяпти. У шўрлик болаларидан ортиб нима қилиб берсин. Боқди, кийинтирди, уйлантирди. Бир амакининг ишини қилди. Аслида бошига етган беъмани феъл-атвори.

Киши ҳеч қачон ўзига паст назар билан қарамаслиги керак экан. Болалигыда мен иккинчи даражалиман деб амакиваччала-рига бош эгди. Талабалигыда камбағалман деди. Ҳеч киммасман деган ақидани шуурига мажбурлаб сингдирди. Шу ақидаси туфайли бебурд кимсага айланди.

...Санам билан ёмон яшашмади. Уй солищди, фарзандли бўлиши-ди. Штат қисқартириш деган бало бошланиб, ишсиз қолди. Санам бошқа иш топиб берди. Аммо у хотинининг орқасидан ишли бўлди деган маломатни эшитишни истамади. Ҳозир ўшанда қанчалар ахмоқлик қилғанлигини, бунинг жазоси нақадар оғир бўлганини ўйлаб ич-ичини ейди. Аммо энди нима фойда.

Ётганга берсанг менга бер деганича уйда ётаверди. Улфатла-ри йўлиқса, бир-икки пиёла ароқ ичиб, кўнглини хушлаб, урф бўлган қўшиқларни хиргойи қилиб юраверарди. Бора-бора хоти-ни уни менсимайдиган бўлди. Бебурдлигини ҳар куни ўн-ўн беш марта эслата бошлади. Сенинг кирингни ювиб, нима кўрдим дея кир-чирини унга ташлади. Ишлаб чарчаганини баҳона қилиб овқат қимрайдиган бўлди. Бекор ётгунча уйга қарасангиз бўлмайдими деб минғирлашлари Сапорбойни жонидан тўйғазди. Бир куни ботир бўлиш учун ичиб олди-да, боплаб сўқди. Хотини ҳам қолишмади. Жаҳл устида қўлига эрк берди. Оқибатда ўн беш сутка қама-либ чиқди.

Қамоқдан келса уйи хувиллаб ётибди. Ажрашишди. Комилжон — саккиз яшар ўғли отам билан қоламан деб оёқ тираб туриб олди.

Санам эрга тегиб, ҳаётини тўғирлаб олди. У билан кетган икки фарзанди ҳам яхши яшаётгани аниқ.

Аммо у гоҳида Комилжонни бир бурда нонга зор қиласи. Шундай тўқчилик замонида оч қолишаётганига чидай олмайди. Ала-мини ичкилиқдан олади.

Ховлиси катта. Комилжон ҳар йили кўчат ўтқазайлик, сабзавот

экайлик деб минг марта ёлворади. Хўп-хўп дейди-ю, бошига бормайди. Янтоқ босиб қолаверади. Бола шўрлик ўзича нималардир қилмоқчи бўладио, эплолмайди.

Кўшниларидан бирининг ҳовлингта мен қарай, нима эксан ҳосилнинг ярми сеники дегани унга жуда қўл келди. Ўзимнинг тўрт мучам бут-ку деб ўтирасдан, унга берди. Ўша қўшни ҳар йили халталаб, картошка, пиёз, сабзи беради. Гоҳ-гоҳида виждонаи уйғониб, одам бўлишга аҳд қиласиди. Аммо бир пиёла ароқ сипқоргач, ҳаммасини унугади.

Сапорбой пиёлани отиб юборди. Кўз олдига Комилжоннинг мурғак чехраси келди. Сен ҳам отамисан, сўради ўзидан. Балки ростданам, ўлгани яхшидир? Болалар уйида ҳам ундан минг чандон яхшироқ қарашади-ку. Шундая ярамас ота билан яшаб Комилжон ким бўлади. Орзуларидан асар ҳам қолмайди. Ҳаётга иштиёқи сўнади. Унга ўхшаб итдай хор бўлади. Яхиси, ўзини ўлдиди...

Сапорбой ўрнидан турди. Гандираклаб ташқарига чиқди. Ўн қадамча юргач, балчиққа тойиниб йиқилди.

Кўзини очиб, ўзини шифохонада ётган ҳолда кўрди. Комилжон тепасида мунгайиб ўтиради. Аввалига нима гаплигини тушунмай у ёқ — бу ёққа аланглади.

— Дада, — ўғли уни қучоқлаб олди. — Кеча дарсдан келсам, ташқаридаги ётган экансиз. Овоз берсам, индамадингиз. Кўрқиб кетдим. Кўшниларни чақиргандим, юрагингизни текшириб кўриб, тирик дейишди.

Ўғлининг гапларини эшитаркан, Сапорбой ўзидан ҳижолат торта бошлади. «Қанақа одамман-а? Одамманми ўзи?».

Ўғлини қаттиқ бағрига босди.

— Янгилик бор, — шивирлади Комилжон.
— Хўш?
— Сиз агрономсиз-а?
— Қий, болам, шуни эслатма.
— Биологияни биласизми? — Комилжон савол беришда давом этди.

— Ҳа.
— Мактабда биологиядан дарс берган бўлармидингиз?
Сапорбой шарақлаб кулиб юборди.
— Нималар деяпсан, мендан қанақа ўқитувчи чиқсан?
— Чиқади, мана қўрасиз. Мактабимизда биттагина биология ўқитувчиси бор эди. Уям бошқа ишга ўтиб кетибди. Бу ҳафта биз

ботаника ўтмадик. Шунда сиз ёдимга тушдингиз. Директоримизга сиз ҳақингизда айтиб бердим. У киши олдимга келсин, дедилар.

— Эй, худо, сен менинг отаммисан ё боламмисан?

Уч кундан сүнг шифохонадан чиқишига рухсат беришди. Қўни-қўшниларнинг хабар олиб туриши Сапорбойни янгича ўлашга ундади. «Ўзим унутсан ҳам, одамлар мени унтишмабди, демак ҳаётдан нимадир умид қилишга ҳаққим бор» деди ўз-ўзига.

Ўйига келиб саранжом-саришталикни кўрган Сапорбой баттар ҳайратланди.

— Дада, мана буни қаранг, — ичкари кириши билан Комилжон унга кроватга ёйиб қўйилган костюм-шимни кўрсатди.

Талабаликдаги кийими.

— Буни қаердан олдинг?

— Кўрада эски кийимлар туғилиб осилган экан. Шуларнинг орасидан.

Ўғлининг қистови билан Сапорбой уни кийди. Бинойидай экан. Шу куниёқ мактабга бориб, директорга учрашди. Уни синов муддати билан ишга олишди.

— Агар ўрганиб кетсангиз, иккинчи мутахассислик учун ўқишига топширасиз, — деди директор.

Янги ҳаёт бошлашга иштиёқ бутун вужудини қамраб олди. Энди ортга қайтмайди...

ЙИГИ

Ўтган гал мозоринг ёнига мактубимни қўйдиму, даҳшатта тушдим. Бу телбанамо ҳаракатим маъниси не, ниятим нима? Ҳозир ҳам вужудимда қайнай бошлаган нотаниш куч—руҳимда бош кўтарган ниманингдир тафтини босиши учун қофоз қоралай бошладим. Ўша вужудимдаги ниманидир енгиш оғир. Ўлимдан-да сўзини кўшиб қўйиш ҳам ножойиз бўлмас. Аслида уни енгишни истамайман ҳам. Ҳаммасига ақлим етади. Фожиамни кўриб-билиб турибман. Орқага йўл излайман, тополмайман. Тинмай хаёл сурман. Ўзим ҳақимдаги ўйларимдан, чиқарган хулосаларимдан кўрқиб кетаман. Баъзида ақлдан озаётганимни сезиб қоламан. Нақадар шармандалик.

Ҳар сўзни ёзаётганимда қаршимда тургандайсан. Нигоҳларинг юрагимни тешиб юборай дейди. Қарашга ботинолмайман.

«Биз фақат ўлганнинг орқасидан аза очишга яраймиз». Бу сенинг гапинг. Балки қаердадир ўқигандирсан. Айтсанг, ғашим келарди. Ҳозир ҳар дақиқа тақрорлайман. Қай биримизга аза очаётганимни фарқлай олмайман.

Ҳеч қачон ўзинг ҳақингда гапиришни истамасдинг. Одамларда беғамдай таассурот қолдирадинг. «Нақадар баҳтиёрсан» дейишарди сенга. Ҳавас қилишарди. Иккаламиз бир гуруҳда таҳсил олардик.

Ёз эди. Имтиҳонларга тайёргарлик кўраётгандик.

Илҳом қулогимга шивирлаб қолди.

— Суюнчи бер... Сени севармиш...

Яйраб кулдим.

— Ким айтди бу гапни?

— Ишонмасанг кузат. Шўрликнинг кўзлари ғамгин, нигоҳлари ўғринча-ўғринча сенга қадалади, — Илҳом бу гал баланд овозда қандайдир асарни ифодали ўқиётгандай гапирди.

Имкон қадар қадамингни тезлатиб хонадан чиқиб кетдинг. Қийқириқни авжидан олдик. Тўғриси, биз сен ҳақингда кўп гаплашар эдик. Фарҳод болалар уйида тарбияланганинг, ота-онанг йўқлиги ҳақида гапирганидан кейин сенга қизиқишимиз ошганди. Нимагадир биз болалар уйида тарбияланган қиз енгилтак бўлади деб ҳисоблардик.

Илҳомнинг шу гапи баҳона зимдан кузата бошладим. Кўзларинг чинданам кўпинча менда бўларди.

Бир куни болалар билан ўтириб хат ёздик. Жавоб қилмадинг. Иккинчи, учинчи... Ҳаммаси бесамар кетди.

Йигитларга худо берди. Танаффус пайтлари бири олиб, бири кўярди.

— Сизга севги изҳор қилисам, индамайсиз.

— Ошиқлик нолалари битавериб, сиёҳлар тугади.

Дарслардан сўнг нарсаларимни йиғиштираётгандим, ёнимда пайдо бўлдинг.

— Гапим бор, — асабийми, ҳаяжонли ҳолатда эдинг.

— Эшитамиз-да, — суюлдим.

Хонадан чиқиб кетавердинг. Кўчада орқангдан етдим.

— Хўш?

— Мени ҳақорат қилмаслигинизни талаб қиласман, — қатъий оҳанга гапирадинг.

— Ие, севиш ҳақорат эканми?

— Илтимос, — кўзинг ёшланди.

Шу ҳолатингда қандайдир масъум, покиза бир малакками, гўдакками айландингки, кўзларимни узолмай қолдим. Кўлларим билан ёшларингни артдим ва томчини ўпдим. Фамгин табассум қилдинг.

Иккаламиз институт ёнидаги боғни айландик. Қош қорайгунча сұхбатлашыдик.

— Балки, сизни чинданам яхши кўрарман. Бироқ, тинч кўйинг, илтимос. Юрагим шундогам илма тешик. Кимгадир сүянгим, ишонгим келади. Ҳаёлимда сизга таянаман. Агар сиз ҳам менга суюнчиқ бўлолмасангиз, яшашга кучим қолмайди.

— Албатта суюнчиқ бўламан.

— Кўлингиздан келармикин?

Сенга шундай ваъдаларни бериб ташладимки, ўша пайтда уларга ўзим ҳам ишонгандим. Аслида ҳам ваъдаларим рост эди, самимий эди.

Шу-шу сен нигоҳларингни олиб қочадиган, мен таъқиб қиласиган бўлдим. Шу даражада ўрганиб қолдимки, бир лаҳза ҳам ёнингдан жилгим келмасди. Ётогингта ярим тунда қўйиб юборар, хонамга киргач, соғина бошлардим. Сонияма-сония сабаб неча йилда тонг оттирадим.

Назаримда сендай оқила қизга баҳтиёрлик муносибдай эди. Навбатдаги таътилда уйланишга қарор қилдим. Гурӯҳдаги болаларга бу ҳақда айтгандим, устимдан кулишди.

Қишлоққа келиб, ота-онамга ҳам қароримни айтдим. Улар ҳам болалар уйда тарбияланганингни эшигиб эсанкираб қолишиди.

Тўйимиз баҳтли ҳаётимиизга нуқта қўйди. Сенга нега уйланганимни ўйлаб ўйимга етолмасдим. Ниҳоят, ичим ачиғаңлигини ўйлаб топдим. Бироқ бу ҳам овутолмади. Таскин топиш учун сени янги-янги усуллар билан азоблай бошладим.

Сен исён қилмадинг, чидайвердинг.

Лекин мен сенсизликка қандай чидайман?

Биласан, суратларингни ёмон кўрардим. Улар менга ёқмайдиган ўтмишингни эсимга соларди. Йиртиб ташлашингни қаттиқ талаб қиласдим. Яқинда излаб қолдим. Китоб жавонидан — Достоевскийнинг китоблари орасидан уч-тўрттасини топдим. Алла-қандай қозоз ҳам сирғалиб тушди. Таниш ёзув. Икки оғиз гап: «Менга бир дона гул совға қиласмикансиз». Қичқириб юбордим. Бугун қабринг пойига кечагидан ҳам кўп гул қўйиб келаман. Ҳеч қачон одатимни канда қилмайман ҳам.

Кўп такрорлайдиган шеъринг эсингдами, «Одамлар шод, одамлар хурсанд, биз одам эмасми, Осима».

«Одаммассан» дердим. Индамасдинг.

Сени яхши кўрмаслигимга, ачинганим туфайлигина уйланганимга ўзимни ишонтириб юрардим. Ўлиминг ҳақидаги хабар бутунлай эсанкиратди. Ерга кўмиб бўлганимдан кейингина телбаларча севишимни англадим.

Ишда эдим. Укам хонамга ҳовлиқиб кириб келди.

— Янгамни машина уриб кетибди, — киприклари пирпиарди. Негадир асабийлашдим.

— Яхши бўлти. Ўзи уни эртароқ жиннихонага ётқизсам бўларкан. Юргандир-да йўлда ивирсиб, — сўқиндим ва шу заҳоти вужудимга ғалати қалтироқ кириб, бўшашиб қолдим. — Нима, ўлибдими?

Укам бошини эгди. Индамай чиқиб кетди. Қандайдир ёвуз куч бўйнимдан қисгандай бўлди. Ўзимни босишга ҳар қанча уринмай, барибир тутолмадим. Стол тарақлаб устидаги нарсалар сочилиб кетди. Укам даҳлизда кутиб турган экан, елкамдан тутиб уйга олиб келди.

Онам юзларингни артаётган экан. Чеҳрангга термулиб, нақадар гўзал, бокиралигинги ҳис қилганим сайин, вужудимни нимадир кемира бошлади.

Эртаси тупроқни ўзимнинг устимдан тортгандай бўлдим.

Шу-шу атрофга аланглаб сени излайман. Уришган пайтларим кўп ёдимга тушади.

— Майли, — дердинг. — Уришиб-уришиб хумордан чиқиб қолинг. Ҳали сизни бир йиглатиб кетишим бор-а.

— Кетавер, — бўш келмасдим. — Худди бировнинг кўзи учиб тургандай гапирасан.

— Майли, бу дунёда чидайман. Бироқ унутманг, жаннатда ҳаргиз сиз билан бирга қолмайман.

— Ҳали жаннатданам умидвормисан?

Сукунат бағрига фарқ бўлардинг.

«Биласизми, нега эртаклар мурод-мақсадга етилган жойда туғайди. Одамлар баҳтиёрикни кўтаролмайдилар» дегандинг бир гал. Биз кўтарамиз деб ваъда бергандим.

«Одамлар ўзига нима кераклигини билмайди» дегандинг яна. Ёдимга тушган ҳар сўзинг юрагимга тиғдай санчиляпти.

Айбдорлигингни тан олсанг, оқлашга ваъжинг бўлмаса қийин экан. Ҳатто ашаддий жиноятчи ҳам қилмишига жўяли асос топиб бера олади. Мен-чи? Сени ўлдирдим... Нега? Нега? Нега?

Ҳамиша ҳамма нарсани тўғри тушунардинг. Ҳақорат қилишса ҳам ҳатто. Илтимос, мени ҳам тушун... Сенга ҳар куни мактублар ёзаман. Майли, хумордан чиққунингча йиглайман. Мозоринг ёнида кўзёшлиаримдан ниҳоллар унгунча йиглайман. Фақат қиёматда мендан юз ўгирма...

ГУЛБАҲОР

— Мен ота-онамнинг измидан чиқиб бирон нима дейишга ожиз қолдим, — Фарҳод кўзларини олиб қочди. Гулбаҳор кўрпачанинг бир четига омонатгина ўтирида, бошини деворга сүяди. Ичидан отилиб келаётган исённи тўхтатиш учун рўмолининг учини тишлади, аммо кўзларига кучи етмади. Шошқатор ёшлар юзларини ювди.

— Майли, — бу сўзни узиб-юлиб, минг бўлиб айтди. -- Пешона экан.

— Тушун, менгаям осонмас. Сен...сен...жуда яхвисан. Аммо нима қилай, менам орзу-ҳавас кўрсам дейман... нимага яшаётганинни билмай қоламан гоҳида. Таъна-дашномлар бўғзимга келади. Уларсизам... бирор тўйга айтиб келса ичимда бир нарса узилгандай бўлади. Ўзимнинг тўй беролмаслигимни, уйимизда ҳеч қачон байрам бўлмаслигини ўйласам...

— Мен сизга ҳеч нарса демаяпман-ку, — Гулбаҳор эрига илтижоли нигоҳ ташлади.

— Илтимос, қарама, — Фарҳод орқа ўгириб ўтириб олди.

— Яхвиси, мен ҳозироқ кета қолай. Кеч киришини кутишга тоқатим йўқ, — аёл ўрнидан кўзгалди. Эр ҳеч нима демай ташқарига чиқиб кетди.

Гулбаҳор тутунини тугиб қўйганига бир ҳафтадан ошганди. Қайнона-қайнотаси қариндошларини чақириб, маслаҳат қилишаётгандеёқ бу уйдан насибаси узилаётганини сезганди. Начора...

Фарҳод билан севишиб турмуш қуришди, кўпларнинг ҳаваси келадиган яхши кунларни бошдан кечиришиди. Аммо бир кам дунё экан. Худо уларга фарзанд бермади. Учрамаган дўхтирию табиби қолмади. Олдин мол-ҳол, гилам-пилам дегандай, узук-зиракларини ҳам сотди. «Дунё топилади, фарзанд топилмайди» дерди қайнотаси.

Келинчакнинг бола олиб сақлаш ҳақидағи фикрига бутун оила қарши чиқди. «Фарҳод ёлғиз ўғлимиз бўлса, уруғимиз тугаб кетадими». 70 яшар қайнотасининг кўзидағи ёш Гулбаҳорнинг юрак бағрини ўргаб юборди. «Айб менда экан, кетақолай» деди юрак ёриб. «Озгина чидайлик, ким етти йилда, ким тўққиз, ким ўн икки йилда фарзандлик бўлади» келинига ичи унишди Жумагул онанинг.

Ана-мана билан ўн икки йил ҳам ўтди. Энди умид қолмади. Фарҳод аламини ичклилиқдан оладиган бўлди. Гулбаҳорнинг ичи қонга тўлди гўё. Бу юртлардан бош олиб кетгиси келди. Мана, ўша машъум кун ҳам келди. «Майли, — далда берди ўзига. — Бу дунёда бефарзанд бир мен эмас-ку. Ўзимни деб бирорнинг бахтига тўғаноқ бўлмай».

Тугунини қўлига олиб, ҳовлига чиқди. Ён-атрофга сўнги бор назар ташлади. Қайнота-қайнонаси билан хайрлашмасликни маъкул топди. Жимгина чиқиб кетди.

Кўча-кўйнинг гапига чидаш осон бўлмади. Ким йўлиқса, маслаҳат қиласди, ўзича далда берган бўлиб, ярасини янгилайди. Уларни эшитиш ўлимдан оғир. «Сизларга нима» деб жеркиб ташлаги-си келади гоҳида. Аммо тишини қисади. Ҳеч ким билан гаплашмасликка, кўришмасликка ҳаракат қиласди. Шундай кунларнинг бирида янгаси гап очиб қолди:

— Гулбаҳорхон, сизни сўраб келишди.

— Нима? Ким? — Гулбаҳор бирон таниши йўқлаб келган бўлса керак деган хаёлга борди.

— Бир киши, хотини оламдан ўтган экан, беш боласи бор эмиш...

— Тушунмадим, — Гулбаҳор бир муддат каловланиб қолди.

— Совчи келди.

Янгасининг қисиниб-қимтиниб айтган бу сўзлари Гулбаҳорни ўйлантириб қўйди. Она бўлишини, бир эмас, беш қорақўз-нинг она деб чақиришини ўйлаб... розилик берди. Уйидагилар ундан бундай жавоб кутишмаганди. Ҳатто янгаси ҳам.

— Ўйлаб кўряпсизми, бир эмас, икки эмас, беш бола. Яна ҳаммаси ёш, кичкинаси тўққиз ойлик, онаси уни туғаётуб оламдан ўтган экан.

— Яхши-ку. Мен ҳамиша болаларим кўп бўлишини истаганман.

Бошқа гапга ҳожат қолмади. Гулбаҳорни ҳафтага қолмай узатишиди.

Янги уйда уни куёв бўлмишнинг бир-икки қариндошлари кутиб олишди.

Гулбаҳор эрталаб болалар билан танишди.

Илк учрашувда уларнинг ўтай онани хушламаётганини сезиш унча қийин бўлмади.

— Сиз бизни урасизми? — очиқ саволга тутди беш яшар Сарвар.

— Йүге, нега энди? — ажабланди Гулбаҳор. — Бу гапни қаердан олдинглар?

— Янгам айтди, ана энди кўрасизлар, менга берган азобларингиз ҳаққини ўтгай онангиздан оласизлар, деди.

— Янгам бизга ёмонсизлар дерди. У бизни урарди, — Азиза йиглаб юборди. — Биз ўзимизнинг онамизни соғиндик.

Гулбаҳор қизалоқни бағрига босди.

— Ахир мен сизларнинг онангизман-ку, наҳотки мени танимаётган бўлсангизлар. Шунчалик ўзгарибманми?

Болаларига бир-бир кулиб қараб чиқди. Ҳаммаларини бағрига босди.

— Энди сизларни ташлаб кетмайман.

— Онажон, — биринчи бўлиб Умрбек унга интилди. Илк бора бундай ном билан чақирилаётгани учун Гулбаҳорнинг кўзларидан шошқатор ёш оқди, юраги гупиллаб кетди.

Болалар билан тез тил топишди. Ҳафта ўтмай улар ростданам ўз оналари қайтиб келганига ишониши.

Турмуш ўртоғи янги оиласидан, унинг муомаласидан, меҳри-бонлигидан, айниқса болалар билан муносабатидан миннатдор. У ҳатто бир-икки марта биринчи оиласи тушига кирганини, «болалардан хотиржамман, энди руҳим тинч» деганини ҳам айтиб қолди.

Орадан икки йил ўтди. Қишининг ўрталари эди. Қалин қор ёғди. Карим ака уйда озиқ-овқат камайганини баҳона қилиб йўлга отланди. Гулбаҳор бори билан амаллаб турамиз, деганди, хўжайини кўнмади.

— Кўйсангчи, болалар илиги тўқ бўлиб ўсиши керак.

Эрини кузатиб қўйгач, Гулбаҳор хамир қорди. Тандирни энди оқартириб, нон ёпишга киришганди ҳамки, дарвоза ваҳимали тақиллади.

— Ойи, сизни сўрашяпти, — югуриб келди Сарвар

— Шу ерга чақирақол, ўслим.

Сарварнинг изидан ўттис ёшлардаги йигит кўринди. Ташвишли хабар олиб келгани шундоқ юзидан сезилиб турарди. У холаҳвол сўрашдию, мақсадга кўчолмай бироз қаловланиб турди.

— Гапингизни айтаверинг, — қистади Гулбаҳор.

— Ҳалиги... Карим акани олиб келгандик.

Аёл анграйиб қолди.

— Олиб келгандик... қанақасига... унга нима қилди?

- Х...ҳалиги...машина аварияга учрабди.
- Нима? Қанақа машина? Қанақа авария? Илтимос, гапирсангизчи? — Гулбаҳорнинг қўлидаги рапида тушиб кетди.
- Такси машинаси йўлдан чиқиб кетибди.
- Нимага дўхтирга обормадинглар? — Гулбаҳор деярли бақириб юборди.

Йигит бошини эгди:

- Бандачилик...

Гулбаҳорнинг қулогига бошқа гап кирмади. Ўша куни нонни ким ёпди, ким уни ичкари олиб кирди, эсида йўқ. Кўзини очганида уйи тўла одам эди.

Маъракалари бирин-кетин ўтиб борардию, аёл ҳеч ўзини ўнглаб ололмасди. Шундай фамнок кунларнинг бирида Азизанинг гапи уни ҳаётга бошқачароқ қаравшга ундаdi.

— Ойи, бизни ташлаб кетасизми? — бу савол онани чўчитиб юборди. Қизига анграйиб қаради. Унинг йигидан шишиб кетган кўзларини кўриб, нима гаплигини сўради.

— Саида борку, амакимнинг қизи, бирга келаётгандик, энди Гулбаҳор янгам ҳам кетади, ким билан яшайсизлар деб қолди. Шу ростми?

— Нималар деяпсан? Ҳеч қачон, ҳеч қачон кетмайман, — Гулбаҳор қизалоқни бағрига босаркан, мана шу норасидаларнинг тақдири энди унга боғлиқлигини, шулар учун ҳам ўзини тутиб олиши лозимлигини англади.

Ўрнидан туриб, ҳовлига чиқди. Баҳор келиб, кунлар илиб кетганини энди сезди. Атрофга кўз қирини ташларкан, анчадан бўён супурилмаганидан бетартиб аҳволга келиб қолганини кўрди. Лабини тишлади.

— Бугун ҳашар қиласиз, — у болаларини ёнига чақирди. Қизига кичкинтойга яхшилаб қаравши топширди. Учала ўғли билан ишга киришди. Улар ҳовлини тартибга келтиргунларича қоронғу тушди. Гулбаҳор болаларни мақтаб-мақтаб, ичкари кирди. Улар анчадан бўён тузукроқ овқатланишмаган ҳам эди.

- Сизларга бир ош қилиб бераман, — дея овқатга уннади.

Нихоят, уйга файз кирди. Болаларнинг дилларидағи маъюслик бир муддат тарқагандай бўлди. Овқатдан сўнг бафуржга гурунглашиб ўтирдилар.

— Онажон, биз билан қоласизми? — болалар бу саволни учтўрт марта беришди.

Гулбаҳор уларни яхши кўришини ҳар қанча таъкидламасин, болалар унга ишонмаётгандек эди.

Эрталаб, катта фарзандларини мактабга жўнатиб, кичкина қиз-часини ўйнатиб ўтирганди, дарвоза очилиб қайноғалари кириб келишди.

— Энди, келин, маслаҳатли иш бор, — гап бошлади катта қайноғаси. — Шу... сен уйингта кетавер, қийналиб ўтирма, ҳаётингни янгидан бошла. Болаларни ўзимиз бўлишиб оламиз.

Гулбаҳор титраб кетди.

— Мен кетмоқчи эмасман.

Ундан бундай жавоб кутишмаган шекилли, қайноғалари бир-бирларига ҳайрон бўлиб қарашибди.

— Бу нима деганинг? Ахир улар сенинг болаларинг бўлмаса?

— Нега энди, улар менинг болаларим.

— Биз маслаҳатлашиб қўйгандик, — қайноғаси овозини баландлатди. — Мана, Ражаббойнинг ўғли мактабни тутатди. Яна икки ўғли бор. Биласан, ҳозир уй солиш осон эмас. Шунинг учун уйни унинг катта ўғлига бермоқчимиз.

— Нималар деяпсиз, — Гулбаҳор ўрнидан туриб кетди. — Менинг болаларимчи, улар кўчада қолишадими?

— Ўзимиз тарбиялаймиз дедик-ку, — кичик қайноғаси дўқ оҳангига гапирди.

— Аввалги сафаргидайми? — киноя қилди Гулбаҳор.

— Бу сенинг ишингмас, бугуноқ уйни бўшат, — кичик қайноға ҳам ўрнидан турди.

— Бекорларни айтибсиз, — Гулбаҳор қошини чимиради. — Мен содда бўлсан экан, нима десангиз кўниб кетаверадиган. Бу уй менинг ҳам уйим. Бу ердан кетмайман.

— Майли, майли, — катта қайноға муроса таклиф қилмоқчи бўлди — Хўш, қанча пулга рози бўласан?

— Ҳеч қанча. Қонун мен томонда, билганингларингни қилинглар. Ҳозир уйимдан чиқиб кетинглар. Қайтиб қораларингни кўрмай. Уят, хайф сизларга. Етимларнинг ҳаққидан кўрқмайдиган нокаслар, укасининг руҳини топтаган абраҳилар, — Гулбаҳор шаҳд билан бориб дарвозани очиб, йўл кўрсатди.

— Оғзинга қараб гапир, бу уйга эгалик қилишга ҳеч қандай ҳаққинг йўқ, тайёрга айёр бўлмоқчимисан, тушингни сувга айт, укамизнинг уйини сендейларга бериб қўймаймиз, — қайноғалар чиқиб кетишаркан, бўш келмаслик учун ўзларича минифирлашди.

Улар-ку кетиши. Куни бўйи аёлнинг боши оғригани қолди. Кетиши... осонми? Бешта болани тащлаб кетса, нима деган одам бўлади? Эртага... Худога нима дейди?

Кечқурун қайногалари Гулбаҳорнинг ота-онасини бошлаб келиши. Аёл уларга ҳам қатъий қарорини айтди.

— Мен кап-капта аёлман, ўзим учун ўзим жавоб бераман.

Унга дўқ-пўписа ҳам, ялиниб-ёлворишлар ҳам кор қилмади.

— Эртага пушаймон бўлиб юрмагин, — йиглади онаси. — Етим бола асрасанг, оғзи-бурнинг қон бўлар деб, ота-боболар бекорга айтишмаган.

— Пешонамдан кўраман, — аёлнинг охирги гапи шу бўлди.

— Бўлти, унда биздан бирон марта ёрдам сўрама, дардингни хасрат қилувчи бўлма, — кетиши уйидагилар.

Қайногалари маҳалла қўмитасига мурожаат қилиши. Оқсоқоллар аёлнинг ёнини олди. Қайногаларига инсоф битдими ё курашшиш бефойдалигини тушунишдими, бошқа безовта қилишмади.

Энди олдинда бошқа ташвиш бор — болаларни эл қатори тарбиялаш, едириб-ичириш, кийинтириш керак. Шунча гап-сўзлардан кейин ҳамманинг кўзи уларда бўлиши аниқ. Кўпчилик уни уй учун болалар билан қолди деб ўйлашаётган бўлса керак. «Мен кучли ва қатъиятлиман, — ўз-ўзига таъкидларди аёл. — Сув келса симиришга, тош келса, кемиришга қодирман».

Поликлиникадан қўшимча иш олди. Маҳалладаги тиқувчи қизга шогирд туши. Болаларига йигирматача товук олиб берди. Кун тунга, тун кунга уланиб вақт ўтаверди. Елиб-югуришлари бекор кетмади. Рӯзгорини анча-мунча эглаб олишди.

Ҳар куни болалари билан бир соат ўтириб, дарс тайёрлашни канда қилмасди. Ҳар қанча иши кўп бўлмасин, чарчамасин, асосий мақсади болаларни тарбиялаш деб билган она бу машғулотни кечга қолдирмасди. Бирин-кетин улар катта бўла бошлишди. Ҳаммаларини ўқитди, оиласи. Уйли-жойли қилди.

Маҳала-кўй Гулбаҳорга ҳавас билан қарап, унга давраларнинг тўридан жой бўшатиб беришар, олдига кўпчилик маслаҳат сўраб келарди. «Одамлар ўзларининг болаларини эплашолмайди, сиз бирорларнинг болаларини гулдай қилиб тарбияладингиз-а» деган гапни эшитса, жиндак оғринардию, сұхбатдошига билдиришмасди. «Ҳамма гап ниятда», деб қўяқоларди...

... — Онажон, — деган ширин овоз уйқудан эрта уйғониб, хаёл дарёсига фарқ бўлган Гулбаҳор опани тўлқинлантириб юборди. Энгига халатини илиб, эшикка пешвуз чиқди.

Эшик қаршисида бир қучоқ гул туғиб турған Сайёра жилмайды.

— Вой, — она қувонганидан күзига ёш олди. — Овора бўлиб нима қиласдинг, болам.

— Нега энди овора бўларканман. Аслида-ку сиз учун ҳар куни овора бўлсам арзийди.

Она-қиз бир-бирларини бағрига босиб туришган эди, ортидан ҳовлиққанича Сарвар келиб қолди.

— Оббо, яна кеч қолибман-да, — совгасини узатиб, у ҳам онасининг бағрига отилди. Изидан Замира келини келди, Кейин Фаррух оиласи билан, Азида билан Умрбек бирга келишди. Эрталабки нонуштани байрамона кайфиятда қилишди.

— Болаларим-эй, эрталабдан ишларингизни қолдириб-а, — ҳаяжонланарди она.

— Кўйсангизчи, онажон, ахир бу одатни сиздан юқтурғанмиз.

— Раҳмат, болаларим. Борингизга шукур.

— Сизнинг борингизга шукур. Сизсиз бизга бу кунлар йўқ эди.

Нонуштадан сўнг фарзандлар зиёфат тараддудига тушиб кетишиди. Ахир бугун Гулбаҳор опанинг туғилган куни-да.

ЖАЗО

Эшикнинг жиринглаши алланечук беўхшов туюлди. Фарида опа қўлидан супургини кўйиб, ҳовлига деярли югуриб чиқди. Эшик олдида почтальон, илжайишга ҳар қанча уринмасин, кўзи-даги саросимани яшира олмади.

— Тинчликми? — Фарида опа ёқасига туфларкан, сўради.

— Мана...мана шу ерга имзо чекиб юборсангиз.

Имзо чектириб олган почтачи бошқа қоғоз узатди-да, орқасига бурилиб қадамини тезлатди. Коғозга кўз югуртирган аёл бўшашиб қолди. Рўмоли сирғалиб тушди, кўзидан бир томчи сув сизди. Ичидан отилиб келаёттан ниманидир тутиб қолиш илинжиде лабларини тишлади. Секин-аста атрофни туман қоплай бошлади. Ниходят, ҳеч нарса кўринмай, эшистилмай қолди. Аёлнинг кичкинагина жуссаси ерга тоғдай гурсиллаб тушди. Деразалар қарсиллаб кетгандай бўлди. Ўрикнинг шоҳида нимадандир сархуш куйлаётган күш жимиб қолди.

Сал ўтмай ҳовлига бирин-кетин қўшнилар кириб кела бошлишди. Кимdir аёлнинг юзига сув сепди, ким тез ёрдамга қўнғирок қилди, ким супургини қўлига олди...

...Алишер ака вилоятдаги корхонасидан ҳабар олиш учун отланди. Самолётда ўтирганида юраги фалати бўлиб кетди. Бундай ҳолатга ҳеч тушмаганди. «Қарияпман чоги», хаёлидан ўtkазди, парво қилмасликка уринди. Корхонада ҳамма ишлар жойида экан, бироқ кўрганлари қўнгил хижилини ёзолмади. Директорнинг ҳисоботлари кулоғига кирмади. Бир-икки кун тоза ҳавода дам оламан, деган ниятидан воз кечиб, кечки рейсда ортга қайтди. Аччиққина мастава буюриш учун уйига қўнғироқ қилди, жавоб бўлмади. Хаёлидан аёлининг «Икки кундан бери фалати бўлиб юрибман, алламбало тушлар кўряпман» деган гапи кетмади.

Уйига кириб келганида қоронғу тушган эди. Ҳовлида одам кўплигини кўриб кўркуви ортди. Унга кўзи тушган қўшнилари шалвираб қолишли, бирин-кетин нигоҳларини олиб қочишиди. Совуқ сукунат юрагини музлатиб ташлади гўё.

— Нима гап, тинчликми? — қичқириб гапирдими, шивирлабми, фарқлай олмади.

— Ўғлим, бандачилик, бардам бўлинг, — ёши каттароқ кампир Алишер акани бағрига босди. Миясига урилган фавқулодда

фикрдан даҳшатга тушди. «Фари...Фари...бўлиши мумкинмас...
Нега....нега ахир...Эрталабгина...».

— Фаридани шифохонага олиб кетиши, — кампир орқасига
қоқди.

Алишер ака сал ўзини босиб олгандај бўлди.

— Э...қўрқитиб юбордингиз-ку, қайси шифохонага?

— Биринчига.

Алишер ака бошқа ҳеч гап сўрамай, орқасига бурилди, ма-
шинасини ўт олдирди.

— Нима гап, дўхтир? — қирқ ёшлардаги врачга илтижоли қара-
ди.

— Ҳадемай ўзига келади, — шифокорнинг овозида саросима
бордай эди.

— Илтимос, тўғрисини айтинг.

Дўхтир чўнтағидан қоғоз чиқарди.

Алишер ака унга кўз югуртирап экан, атроф чирпирак бўлиб
айланётганини ҳис қилди. Врач қандайдир дори узатди ва нима-
дир деди.

Алишер ака телбаларча кула бошлади.

— Буни қаранг, дўхтир, нақадар зўр жазо бу, нақадар адо-
латли, нақадар пухта...

Врач ҳамширага буюрди.

— Зудлик билан укол қилинг.

Уколдан сўнг Алишер ака анчагача тинч ётди. Хушига келиб
ёнида фаригина аҳволда ўтирган хотинини кўрди. Дардли нигоҳ-
лар тўқнашди. Йиғига ҳам, юпанчга ҳам хожат йўқ эди. Шундоқ
ҳам иккаласининг-да хаёлида бир воқеа жонланганди.

...Тўйлари бўлганида охирги курс талабаси эдилар. Оила деган
ҳаёт дошқозони бошқача қайнаркан. Ётоқхонадаги тинчгина ҳаёт
ўз-ўзидан барҳам топди. Ҳали у қариндош, ҳали бу қариндош-
нинг меҳмонга келиши шунга мажбур қилди. Ниҳоят, ижарага уй
олишди. Икки ой ўтмай уйга харидор чиқди, бошқасига кўчишга
тўғри келди. Кейин яна бошқасига...ниҳоят ёлғиз яшовчи кам-
пирнинг уйидан бошпана топишиди. Алишер баҳтини пойтахтдан
излашга қарор қилди. Амаллаб ишга жойлашди.

Фарида кампир билан апоқ-чапоқ бўлиб кетди. Икковлон бир-
бирига кувонч ва дардини тўкиб солишар, ўзларини зериктирмай
ўтиришарди. Ёлғиз ўғиллари Аброржон шу ҳовлида туғилди. Кам-
пир Аброржонни онасидан-да яхшироқ парваришларди. Шу боис
Фарида боласини кампиргага топшириб ишга жойлашди. Ахир кам-
пирнинг ўғли қамоқдан келгунга қадар уй олишлари лозим эди.

Унинг ўғли ўғирлик қилиб олти йилга қамалганди. Кампир боласини еру кўкка ишонмас, тез-тез хабар олиб турарди. Қамоқдан чиқса уйлантираман деган ниятда бир дунё сарпо йигиб қўйганди. Кампирнинг яқин қариндошлари йўқмиди ё уларда меҳроқибат йўқроқмиди, ишқилиб хабар олишмасди.

Шундай кунларнинг бирида ўғлининг ўлими ҳақида шошилинчнома келди. Бир кунда бир бурда этга айланиб қолди кампир.

— Болам, энди ёлғиз суюнчиғим сен, — илтимос қилди Алишердан. — Ўғлимнинг суяги бегона жойда қолиб кетмасин, уни келтириб берадиган ҳеч кимим йўқ.

Алишер узоқ ўйлангач, қамоқхонада мурдаларни беришмаслигини, беришганда ҳам катта пул талаб қилишини обдон тушунтирди. Кампир шўрлик шошиб қолди.

— Болам, менда унча пул йўқ, лекин ўғлимнинг жасади ўзга юртларда қолиб кетишини истамайман... Шу десанг, хабарим бор, уй олишга пул йиғяпсан. Меникини олиб қўяқол. Энди менга уй нега керак. Бир-икки йил яшайманми, йўқми, худо билади. Ўзикунга сенга текинга берардим, аммо кўриб турибсан-ку.

Алишер мўлжални аниқ олганидан ичидаги қувонди. Шу заҳоти йўлга отланди. Ҳеч қийинчиликсиз мурдани олиб келди. Йигитни расамади билан ерга қўйишиди.

Дардни кўтара олмаган кампир узоқ яшамади. У умрининг сўнгти нафасигача Алишер билан Фаридани дуо қилди, яхшиликларини қайтара олмаганидан афсусдалигини, Худодан албатта қайтишини кўп такрорлади.

Муаммолари қийинчиликсиз ҳал бўлган Алишер ишга шўнғиди. Уй оламан деган пули ёнига қолди эмасми, тез орада ҳовлини сўнгти урфда таъмирлатди. Ишхонасида ҳам омади чопди. Мансаб пиллапояларидан кўтарилиб, Алишер Умарович бўлди. Ўғли Аброржон ақлли-хушли йигит бўлиб вояга етди. Мактабни муваффақиятли тутатди, университетга ўқишга кирди. Омади чопиб, ўқишни хорижда давом қилдириш баҳтига мушарраф бўлди.

Алишер Умарович турмуш ташвишлари билан бўлиб, кампирга қилган хиёнатини унугиб юборган эди. Мана бугун... Алишер ака полда ётган қофозни олиб яна бир бор кўз югуртирди. «Аброр сувга чўкиб кетди. Жасадини тополмадик. Таъзиямизни қабул қилинг. Дўстлари».

Дорининг таъсири тарқаб, Алишер Умарович яна қиқир-қиқир кула бошлади. Фарида опа эрини юпатмоқчи бўлар, бироқ оғзи қимирласа-да, овози чиқмасди.

МУШКИН ҚОШИНИНГ ҲАЙЪАТИ...

Куй тобора авжига минар, унинг садолари юрагига мисли ханжар санчарди. Ичида нимадир ёнаётгандек, нимадир эса вужудини ёриб чиқмоқчидек туюлаверарди. Музлатгични очиб, ярми ичилган ароқни олди. Пиёлани тўлдириб кўтарди. Ичидаги ўт бадттар аллангаланди.

Ўчакишгандек, уч кундан бўён радионинг қулоғини бураса ҳам, телевизор қўйса ҳам шу қўшиқ янграйди. У юрагининг тубтубига кўмид ташлаган хотираларини уйғотиб юборади. Қачонлардир темир тобутга солиб, мангу муҳрлаган ўтмиши озодлик истаб исён қиласди, тобут қарсиллаб синади. Баҳодир майдан најот излайди. У ҳам хотираларга қайишади. Ҳаммаси бир бўлиб юрагига ёпишади.

Кейинги кунларда ишга яхши кайфиятда борганини эслолмайди. Ундан гап эшитмаган ходим қолмади.

Ўйда ҳам шу аҳвол.

Нималар бўляпти ўзи? Бу мусиқа авра-астарини чиқариб ташлади-ку. Яна нега уни эшитгиси келаверади?

Бутун ҳам ишда ўтиrolмади. Қўли ишга бормагани етмагандай, беҳузур бўлаверди. Уйга қайтишда дорихонадан хапдори сотиб олди. Уйга бориб қотиб ухлайман деб ўйлади.

Ховлига кириши билан қулоғига яна шу қўшиқ чалинди. Томирлари бўртиб чиқди. «Ҳозир телевизор-пелевизори билан улоқтираман» деган ўй кечди хаёлидан. Ҳамма хоналарга кириб чиқди. Овоз... Арслоннинг хонасидан келяпти. Эшикни жаҳл билан очдию, саросималаниб тўхтаб қолди. Ўғли. Қўзи юмуқ, қўлида тор, қўшиқ куйлаяпти.

Баҳодир шалвираб ўтириб қолди. Ўғли қўшиқни тугатди ҳамки, ўзини йигиштириб ололмади. Унга кўзи тушган Арслон сапчиб тушди.

— Дада, мен ҳалиги, — торни орқасига яширди.

Баҳодир қўли билан торни бер ишорасини қилди. Диванга ўтириб секин қўл югуртирди. Ниҳоят, чала бошлади...ёниб-ёниб, эзилиб-эзилиб, жўшиб-жўшиб...куйлашга тушди...кўзидан эса тирқираб ёш қўйиларди...Арслон нима қилишини, қандай баҳолашни билмай ҳайратдан тош қотди.

Баҳодир ўғлининг елкасига қоқиб қўйди-да, ўз хонасига ўтиб кетди.

Бир пайтлар шу күшиқ ҳәётим мазмуни эди деса, боласи ишонармикин.

...мактабни тутатадиган йили эди.

Адабиёт муаллимаси ёд биладиган шеърларидан ўқишлигини сўради. Галма-гал билган нарсаларини ўқишиди. Шунда бир жарангдор овоз аъзойи баданини титратиб юборди.

Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина,
Қатлим учун нас келтирур нун элтибон сод устина.

Кўзлари ҳайрат билан овоз эгасини излади. Назокат... Йигитнинг юраги алланечук ўйнаб кетди. Қизнинг овозидаги ҳаяжону муҳаббат унинг вужудини ишғол қилди. Раббим, ғазал дегани бунчалик нафис бўлишини ҳеч билмас экан. Дарсларда сўзларини тушунмайман деган баҳона билан уларни ўқишини четлаб ўтарди. Узини сарҳушдай, самоларни қучгандай, юлдузларни тутгандай ҳис қилди. Юраги дуп-дуп ура бошлади. Бу не синоатлигини ҳеч тушунолмади. Бутун синф жимиб қолганди. Ҳатто энг қаттиққўл устозлар ҳам бундай жимликка эришиш учун бирмунча тер тўкишларига тўғри келарди. Назокат кўзларини юмиб олган, ҳеч кимга эътибор бермасди. У қизни биринчи марта кўраётгандай унга термулиб-термулиб қаради. Назарида ғазал Назокат ҳақида ёзилгандай эди. Айнан шундай — бу чарос кўзлар, камон қошлар ғазалда битилганидек. Гулнинг шамшод устига пайванд бўлганини кўриш учун Назокатга бир боқиш кифоя. Тавба, ўн йил бирга ўқиб, уришиб-талашиб ҳам бирон марта тузукроқ қарамаган экан-да.

Шу-шу Назокатни ўгринча кузатадиган бўлди. Синфдошлари уни ғалатироқ деб таърифлашарди. Юрған жойида пичирлаб нималарнидир тақрорлабми, гапирибми юриши у ҳақда шундай гап чиқишига сабаб бўлганди. Қизларам, ўғил болалар ҳам уни яхши кўришарди. Ҳаммалари кимгадир севги изҳорини хатга солмоқчи бўлишса, ундан илтимоос қилишарди. Назокат бажонидил ёрдам берарди. Ва бошқалар ҳар қанча ёлвормасин, бирорнинг сирини бирорвга сотмасди.

Баҳодир қизга қўнглини қандай ёриш ҳақида ўйлай бошлади. Хат ёзишга юраги бетгламади. Умуман, бундан наф чиқишига ишонмади. У шундай қилиши керакки, ҳеч гап сўзсиз, ипсиз қизнинг ўзи унга боғланиб қолсин.

Шу кунларда мактабда адабий кеча ўтказилиши Баҳодир учун айни муддао бўлди.

Баҳодир кечада айнан «Феруз»ни ижро қилишга аҳд қилди. Отаси ишда пайти хонасига беркиниб, магнитафонни қўйганича унга жўровоз бўлиб, қўшиқни ўрганди. Ниҳоят, саҳнада қўшиқни куйлади. Куйладию, нигоҳлари Назокатни излади.

Мана, нигоҳлар тўқнашди. Баҳодир қизнинг тиртаб турганини сезди. Йигитнинг нигоҳидан чўчиб, қиз кўзларини яширди...

Қўшиқни қарсак садолари остида тутатди. Секин саҳнани тарк этиб, Назокатнинг ёнига бориб турди.

— Қўшиғим сенга ёқдими?

Алланималарни ўйлаб турган қиз сапчиб тушиди.

— Жудаям яхши куйладинг, — деди шоша-пиша.

Суҳбатлари тез қовуцди.

Ўша куни Баҳодир қизни уйигача кузатиб қўйди.

Баҳодир Назокатнинг кўнглини овлаш баҳонасида Оғаҳийнинг бошқа ғазалларини ҳам ўқиди, улар ижросидаги қўшиқларни ўрганди.

Асли болалигидан қўшиқ куйлашни яхши кўради. Хоразмча енгилроқ ашулаларни ижро қилиб юради. Аммо отаси унга ашула айтишни қатъий татьқиқлаб қўйган.

— Қўшиқчиликдан кор бўладими? — дейди у. — Эркак киши жиддий иш билан шуғулланиши керак.

Отаси тиришқоқ, қаттиқғул одам. Йигирма беш ёшида хўжалик раиси бўлган. Қишлоқда ҳурмати баланд. Ҳеч ким ундан сўрамасдан, йўталмайди ҳам.

Отаси, майли ўртоқларинг ёнида куйлайвер, бироқ саҳнага чиқишини хаёлингта ҳам келтирма деган. «Калласи бузилиб кетиши»дан қўрқиб қаттиқ назоратга олган.

Кўнгилга буюриб бўлмайди деганлари шудир-да. Баҳодир ўзини тийгани сайин, мусиқага меҳри ошиб бораверди. Ҳар гал қўлига тор олганда юраги ҳаприқар, бутун вужудидан куй қайнаб чиқаётгандай, ғазалларни қўшиқ қилиб куйлаб юборганини сезмай қоларди. Кечалари китоб ўқиш ўрнига мусиқа илмини эгалларди. Ҳар гал қўшиқ ижро қилганида кўз олдида Назокатнинг чехраси намоён бўларди.

Назаридаги Назокат ҳам унга бошқачароқ қараётгандай эди.

Мана, дарслардан сўнг бирга қайтишяпти. Баҳодир ғазал ўқиши баҳона кўнглини очмоқчи бўлди.

Нозу, адоу, ғамзаси қасдим қилурлар дам-бадам,

Ваҳ, мунча офатму бўлур, бир одами зот устина.

Назокат қизарыб кетди.

— Қизиқ, шоир кимни севган экан-а? — Баҳодир қизни чўчи-тиб юбормаслик учун гапни айлантириди.

— Биласанми нима, мен огаҳийшунос бўлмоқчиман. Шоир ҳаёти ва ижодини пухта ўрганганимдан сўнг бу саволингта жавоб бераман.

— Бўлти, унда бошқа саволимга жавоб берчи?

— Хўш?

— Дунёда чинакам севги борлигига ишонасанми?

— Албатта. Севги бўлмаганида дунёнинг ўзи бўлмасди.

— Севги қандай бўлади?

— Буни таърифлаб бўлмайди. Ҳар қандай таъриф, ташбех уни хира торттиради.

— Сени кимдир чин кўнгилдан севиб қолса, нима қилган бўлардинг?

— Нега энди мен нимадир қилишим керак. Ким севса ўша нимадир қилсин.

— Севги саробга айланса-чи?

— Чин севги ўлмайди. Саробга айландими, демак у севги эмас.

— Нега?

— Чунки севги юракда яшайди. Севган кишинг уни қабул қилиши ёки қилмаслиги уни заррача камайтирмайди. Севги сўзини эшитганимда негадир кўз олдимга йўл бўйида ўзи билан ўзи гаплашиб ўтирган Мажнун келади ҳар гал. Мен учун у ошиқликнинг мукаммал тимсоли. Ўша манзара севги ҳақидаги ҳамма саволларга жавоб беришга қодир.

— Лайли-Мажнунни ўқимаган эканман? — Баҳодир ҳижолатомуз пичирлади.

Хўш, саволларингиз тутадими, домлажон? — Назокат табасум қилди.

Йигит шошиб қолди.

— Агар мен сени севиб қолсам, қандай жавоб қайтарган бўлардинг?

Назокат шарақлаб кулиб юборди.

— Олдин севиб қол-чи.

— Балки аллақачон севиб қолгандирману, айтишга куч то-полмаётгандирман.

— Унда куч топ.

Баҳодирнинг ҳаяжони ортди. Назарида ҳозир «Сени севаман» деб юборадигандай эди.

— Бўпти, мен шошиб тургандим, — қиз негадир тез-тез юриб кетиб қолди.

Баҳодир унинг ортидан меҳр билан тикилиб қолди. «Унинг ҳам менда кўнгли бор». Ишшайиб қўйди. Ўзини еттинчи фалакда юргандай сезди. Бутун вужудунини ишқ қамраб олгандай эди.

Уйга ғалати кайфиятда кирди. Онаси тандирга ўт қалаётган экан. Тўғри, ўз хонасига ўтди. Папқасини улоқтириб, қўлига торини олди. Диванга ўтириб, куй чала бошлади.

Сармаст ҳолда қанча ўтириди, эсида йўқ. Шу боис ҳам воқеалар бошқача ривож ола бошлаганини олдинига илғай олмади. Хонасига шиддат билан кириб келган отаси қўлидан торини юлиб олганича, чиқиб кетди. Баҳодир ортидан борди.

Отаси торни тандирга тикиб юборди.

— Агар яна қўшиқ айтганингни эшитсан, онанг мендан калтак ейди, — айтган гапи шу бўлди отасининг.

Эртаси куни отаси уйига ўқитувчи чақиртириди. Баҳодирнинг вақти тифиз тақсимланди. У ўқишга тайёрлана бошлади.

Назарида Назокатни соғиниб адo бўлаётди. Қўзи китобда, хаёли қиздалигидан муаллимнинг бирон сабогини тушунмасди. Кечалари уйқуси келмас, Назокат билан хаёлан сұхбат қуради. Ўзини телбадай ҳис қила бошлади. Бу ҳолатдан чиқишининг йўлини тополмади.

Қиз билан учрашишнинг эса иложи йўқ. «Агар иккаламиз ҳам ўқишга кирсак, хижрон азобидан қутуламиз» ўйларди у.

Ниҳоят ўша кунлар ҳам келди. Баҳодир иқтисодиёт олийгоҳига, Назокат университетнинг филология факультетига ўқишга кирди. Шу тарзда улар ҳаётини чинакам севги онлари чулғаб олгандай бўлди. Баҳодир ўқиши тугаши билан Назокат томон ошиқар, хиёбондаги дараҳтлар қоронғу тушганича уларнинг сұхбатидан баҳраманд бўлишарди. Дараҳтлар янглиғ йигит-қиз ҳам дийдорга тўймасдан хайрлашишга мажбур эдилар.

Ишқ осмонидаги бу парвознинг умри уч ойга чўзилди. Отаси Тошкентга юмуш билан келиб, уларнинг қанотларини қайирди.

— Сен бола нега отамга ўҳшадинг-а? У қўшиқни жуда яхши куйларди. Ҳатто буюк ҳофиз бўлиши мумкин эди. Ичиқоралар отамни заҳарлаб ўлдирдилар.

Устига устак отам бир қизни севиб қолганди. Эрталаблари онамнинг йигидан шишган қўзларига қарашга ботинолмасдим. Бобонг кимни севганини биласанми? Ўша Назокатнинг бувисини. У аммаваччанг бўлиши ҳам мумкин.

Мен унинг қисмати сенда тақрорланишини истамайман. Истасанг, мингта қиз билан күнгилхушлик қилишинг мумкин, аммо севиб қолишинг мумкин эмас, тушундингми, мумкин эмас.

Баҳодирни титроқ босди. Наҳотки севги деганлари шунчалик оғир юқ, аянчли қисмат бўлса? У ўйларини жиловлаб улгурмай, отаси навбатдаги қарорини айтди:

— Ўқишингни Москвага ўзгартирамиз. Жамиятда катта мавқега эга инсон бўлишингни истайман. Ана шунда керак бўлса юзта хофизини олдингда куйлатиб қўясан. Ўшаларни эшитиб яйрайверасан.

Баҳодирнинг портлагиси келди. Бироқ журъати етмади. Бу отасидан ҳайикқани учунми ё севгининг оқибатидан қўрқиб кетганиданми, ҳарқалай портлаш фақат ичкарисида содир бўлди. Аммо у ўз ишини қилди. Юрагини бурда-бурда қилиб ташлади. Бурдаланган юракка севги сигармиди...

...У отаси истаган одам бўлиб етишди. Орадан йиллар ўтиб, портлаш қайта содир бўлишини ва ёшлигини, севгисини жон қадар соғинишини ҳаёлига ҳам келтирмаганди. Аммо бу қўшиқ...

Ўзини чалғитиш ниятида телевизор тугмасини босди ва михланиб қолди.

— Сиз севгига ишонасизми?

— Ҳа, агар у бўлмаганида мен ҳозир нафас олмаётган бўлардим.

— Демак, севгилингиз билан баҳтли ҳаёт кечираётган экансизда?

— Ҳа. У ҳар сонияда юрагимда гупиллаб овоз беради. Ҳаётга, ижодга чоғлайди. Нимагаки эришган бўлсан, фақат унинг туфайли. Дунёда у борлиги учун ҳам баҳтиёрман. Бундан ортигининг менга кераги йўқ.

— Раҳмат. Бизнинг бугунги суҳбатдошимиз филология фанлари доктори, оғаҳийшунос олима Назокат Собирова эди.

Баҳодир телевизорни ўчириб, диванга ёнбошлади ва ғалати ишшайиб қўйди.

АЙБ

Эшик-деразаларни зичлаб ёпди. Пардаларни туширди. Нимқоронғу хонанинг ўртасида нима қилишини билмай туриб қолди. Сүнг эса гиламга чўккалаб ўтири, чуқур уҳ тортида-да, ётди, гилам устида илондай тўлғонди. Яна уҳ. Назарида ростданам илонга айланиб қолаётган эди. Йўқ, илон яхши жонивор, у бирорвга бекорга ёмонлик қилмайди. «Мен-чи, мен кимга ёмонлик қилдим, нимага ёмонлик қилдим?» Бағрини ерга берди. Момиқдай юмшоқ гиламни силади. Ётаверади. То умрининг охири келмагунича, Тангри таоло уни ўз даргоҳига олиб кетмагунича шу тахлит ётади.

Телефон жиринглади. Ўйлари чил-парчин бўлганидан фудранди. Барибир, турмайди. Телефон ўчакишгандай жиринглашда давом этаверди. Охири, сабри етмай гушакни кўтарди. Нариги томондаги одам «ало» дейишини кутмай, сўкиниб кетди:

— Менга кара, нокас, ҳали сенинг кунингни кўрсатаман, Худо шунаقا жазо берсинки, бунақаси қиёматда ҳам бўлмасин.

Оҳ... Қандай ёқимли, қандай маза. Қани сўкишларнинг адоги бўлмас...

Вужуди яйраб, уни қисиб турган арқон бўшашгандай бўлди.

— Ҳов, кўтпак, гапир, нима трубкани қўйиб жўнаб қолдингми?

У шошиб қолди. Ҳозир сўкишлар тугаб қолса-я.

— Мен... эшитяпман, — деди шоша-пиша.

— Алло, ким бу?

Кечирасиз, қайси номер бу, — овоз шашти пасайди. Тақ этган овоз эштилиб, телефон ту-тулаб қолди.

Нафаси ичига тушиб кетди. Кўзлари намланди. Ичини ит тирнай бошлади. Фалати... ўлай агар фалати сукунат. Алам қиларкан. Одамлар арзимаган айб қилиб кўйишса, умрбод жазоланишади. Биттагина ҳаром луқма ошаса, дарров ғамга ботишади. У-чи, тоғдай гуноҳ килсаю, ҳеч ким индамаса... Худоям миқ этмай қараб тураверса. Ахир, бу инсофдан эмас. Нега, нега ахир... Нима учун у жазоланмаслиги керак?!

Гуноҳни қилишга қилдию, вужудини бехузур қалтироқ қоплади. Тамом, ўйлаганди ўшанда у, энди ҳаммаси тугайди. Ишлари орқага тортиб, омад юз ўгиради. Қариндошлари воз кечишади. Кўчада одамлар иблисни кўрсатгандек қўлларини бигиз қилиб уни кўрсатишади. Нақадар даҳшат. Буларга қандай чидайди? Бардоши етармикин? У жазони кутиб кўрқа бошлади. Ҳаловати йўқолди. Агар

жазо бирданига бостириб келса, сезмай қолмасин, унга қарши кураша билсин, ўзини оқлай олсин. Жон-жаҳди билан тайёргарлик кўрди. Режалар тузди. Оқлайди, барибир ўзини оқлайди.

Аммо, азобдан дарак бўлмади. Дўстлари бадтарроқ хурмат қила-диган бўлишди. Ишлари янада юришиб кетди. У эса ютуқларига бепарво бўлишга уринарди. Булар чалғитиш учун қилинган дерди. Кўзларидан уйку қочди. Ўй-хаёллари қайғу оламига сайр қилди. Тасаввурларида ҳар куни ўзига бериладиган жазоларни жонлантириди.

Ана, ишхонасига кириб борди. Ҳамма унга ғалати қарайпти. Бу нигоҳларда нафрат учқунлари сачраб турибди. У ҳамхонасига салом беради. Ҳамхонаси эса алик олиш ўрнига лабларини учириб кўяди. У ҳамкасбига нима гап, тинчликми дегандек илтижоли қарайди. Айни лаҳзаларда нафаси ичига тушиб кетган, тили айланмай қолган бўлади. Ҳамхонаси эса унга еб юборгудек қарайди, гүё у билан бир хонада ўтирганидан нафратланаётгандай. Оғзи билан гапиришга тортинадими, кўзи билан гапира бошлайди: «Сен нақадар тубан, пасткаш кимсасан. Жойинг — дўзах. Сенда на виждон, на номус бор. Сендан бутунлай жирканаман. Сенга қарашга, бир хонада ўтиришга ор қиласман. Мен симираётган ҳавони сен ҳам симмираётганингга ачинаман». У бу таҳқирларга чидаёлмайди, кўзларига ёш тўлади ва чолганича кўчага чиқади. Югураверади, югураверади... Эс-хушини йўқотмагунича... Ва йиқилади.

Шифохонада дўхтирлардан бири у ҳақда эшилган бўлади. У бошқаларга билганингни айтиб беради. Бу ерда ҳам унга ижирғаниб қарашади. Ўлдиргиси келади ўзини.

Ҳўнграб йиғлаб юборди. Ахир қачон келади шу кунлар, қачон? Ишхонасида ҳар куни очиқ чеҳра билан кутиб олишади. Уни ҳатто дунёдаги энг бегуноҳ покиза инсон деб эътироф этишади. Оҳ...

Хаёлида бошқа манзара жонланди.

Онасини кўргани боради. Ҳамиша қадамига пешвоз чиқадиган онаизори уни кўриши билан орқасига қайрилиб кетади. У қўлларини чўзганича қолаверади.

— Кет, дейди онаси. — Сен бизни шарманда қилдинг, кўрарга кўзим йўқ. Менинг сендай болам йўқ, оқ қилдим сени.

Инграб юборади. Еру осмон бир бўлади. Ҳудди яъжуҳ-маъжуҳ тоғни кемириб бўлаётгандек овоз чиқади. Ўша куни аzon саси эшитилмайди. Унинг гуноҳи...унинг гуноҳи босиб кетади ўн саккиз минг оламни.

Қани, ўша кун. Пиёлани отиб юборди. Лъянати пиёла. Синмайдиям. Болалари билан кечки овқатта ўтиришлари керак. Негадир стол

атрофига, умуман унинг хонасига ҳеч ким келмайди. Шунда у ажабланиб болалари олдига ўзи чиқади. «Кетинг, — дейишади улар.

— Биз сизнинг болаларингиз эканимизга ор қиласиз».

Йиғлагиси келади унинг, аммо кўз ёшлари гуноҳига паноҳ бўйлмайди.

Бошини ҳам қилиб ўтириб олди. Кўз олдига ўша мудҳиш кун, уни умрбод қўрқиб яшашга маҳкум этган воқеа келди.

Эрталабдан таъбихиравлик бошланганди ўшанда.

Ўйқудан туриб, хотини нонушта тайёрламаганига ҳайрон қолди.

— Нонушта нима қилсин, уйда ейишга ҳеч вақо бўлмаса, қаерданам сиздай ношудга йўлиқдим ўзи, — хотинининг шу тарзда бошланган шикояти ярим соатча давом этди. У овозини чиқармади. Хотинининг дийдиёси одатдагидек кўзёш билан тугади.

Кийимларини бир амаллаб топиб, ишга отланди.

Қўриб битсин ҳаммаси, фудранди. Ростданам, нега бунчалик ношуд экан у?

Катта бир корхонада ҳисобчи бўлиб ишлайди. Бу ернинг ҳатто фаррошлари остоналарини тиллодан қилиб бўлишган, у эса юз сум ойликка қаноат қилиб юраверади. Бўлди, ваъда қилди ўзига, мен ҳам эл қатори яшайман, ҳамманинг қўлидан келадиган нарса нега энди меникидан келмаслиги керак?

Шу куни идорага текширувчи келди.

— Менга қаранг, — деди комиссия раиси очиқдан-очиқ. — Агар идорадаги кирдикорлар ҳақида айтиб берсангиз, тушумни иккига бўламиш.

У аввалига қўрқиб кетди. Кейин, бу эрталабки нияти руёбининг айнан ўзгинаси эканлигини фахмлади.

— Бўлди, — деди хотиржамлик билан. Икковлон қўл ташлашди. Раҳбар билан бош ҳисобчининг айбини топиш қийин бўлмади. Улар устидан ҳатто жиноят иши очиш, фалон йилга қамоқ жазосига ҳукм қилиш мумкин бўлиб қолди. Аммо комиссия раиси «яхшилик» қилди. Ваъдасига мувофиқ, унга ҳам улушини берди. Пулни қўриб қўрқиб кетди. Ахир, ўн йилдан бўён олган маошларини қўшганда ҳам бу пулнинг ярмига етмасди. Пулни олишга олдию, бутун вужудини қўрқув қоплади. Хиёнатимдан раҳбарларим хабар топади, мени бўшатиб юборади деб ўйлаганди. Бироқ, аксинча, уни бош ҳисобчи қилиб тайинлашди. Қўрқуви янада улғая борди. Ҳозиргача уни сиқувга олади бу қўрқув. Ҳар дамда, ҳар дақиқада жазони кутади. Аммо ундан дарак йўқ.

Нега уни жазоламайсан, тангрим? Унинг айби нима ахир?!

ГУНОҲКОР

Оғайнимнинг туғилган куни чинкам базми жамшидга айланди. Ўзиям бўкиб ичдик. Ошналаримнинг қистови билан рулда эканлигимни ҳам унутдим.

— Хеч нарса бўлмайди, ичиб машина ҳайдамайдган шофёрнинг ўзи йўқ, — дейишди улар.

Мундоқ олиб қарасам, ростданам шундай. Ўзимам неча марта ичиб ҳайдаганман. Авария бунга боғлиқмас, у шунчаки тасодиф.

Ресторандан тунги иккиларда чиқдик. Тонгтacha ўтирадигу, эгалари қўйишмади. Ёпишимиз керак деб оёқ тираф туриб олишиди.

Бир амаллаб тарқалишдик.

Ўзимни ҳушёр туғишга уринардим.

Катта йўл бўйида бир жувон қўл кўтарди. Тўхтатдим.

— Қаерга борасиз? — деган саволимга жавобан аёл елка учирди. Кейин пиқиллаб йиглай бошлади. Буни кўриб кайфим тарқаб кетди. Асабим бузилди. Машинани тўхтатдим.

— Тушиб йўқол.

— Жон ака, ярим тунда қўчада қолдириб кетманг. Яхши одамга ўҳшаяпсиз, илтимос қиласман. Эрталабгача машинангизда ухласам ҳам майли. Фақат...

— Хўш, нима балога йўлиқдинг?

— Мени...мени...зўрлашди.

Этим жимиirlаб кетди. Маст эмасманми, аёлга бошдан оёқ разм солишига уриндим. Унчалик чиройли эмас. Ёшаммас. Шунинг нимасини зўрлашибди, деб ўйладим. Эркакларгаям ҳайронсан...

Аёл дағ-дағ титрарди. Унга ичим ачиғандай бўлди.

— Нега зўрлашди? — мингирладим.

— Бил...бильмасам, — аёл нуқул йигларди.

— Овозингни ўчир-е, бошимни оғритиб юбординг.

Жувон қўрқдими, оғзини беркитиб олди. Бироқ ҳалиям йиғлашдан тўхтамаганди.

Бирдан хәёлимга эртага менга туҳмат қилса-чи, ёки фирибгар бўлса-чи деган фикр келдию, машина эшигини очдим. У ўтирган томонга келиб, қўлидан тортдим.

— Йўқол.

Жувон қўлимга ёпишиди. Итариб юбордим, шилқ этиб йиқилди.

Машинага ўтирдим-да, йўлда давом этдим. Кайфим бутунлай тарқаган. Асабим бузилгандан бузиларди. «Наҳс босган, бадтар бўл... Гапи ростми, ёлғонми... Уятсиз...»

Уйга боргунча уни бўралатиб сўқдим.

Бошимдан қаттиқ оғриқ тутди. Уйга киришим билан, долондаги диванга ўзимни отдим.

Хотиним туринг, сизни сўраб келишди дея ярим соатча турткиласди шекилли. Қани, калламни кўтара олсан.

— К... ким? — дедим ниҳоят.

— Милиция.

Бошоғриғим таққа тўхтади. «Айтганимдай бўлди. Анави хотин фирибгар экан-да, машинамнинг номерини ёдлаб қолибди-да, оббо устамоней». Ҳаёлимдан шунга ўхшаш фикрлар ўта бошлади. Аммо ўзимни ҳеч нарса билмайдигандек тутишга уриндим.

— Хўш, хизмат?

— Мана бу аёлни танийсизми? — Йигит расм тутди.

Бу ўша эди.

— Йўқ, — дедим совуққонлик билан.

Йигит бошини чайқади.

— Мана бу визит карточкаси сизникими?

Ҳайрон бўлдим. Наҳотки фирибгар аёл чўнтағимдан олишга ултурган бўлса. Қойил.

— Ҳа. — дейишдан ўзга иложим қолмади.

— Мен билан боришингизга тўғри келади.

— Нега?

— Сиз қотилликда гумон қилинасиз.

— Кимни ўлдирибман?

— Мана шу аёлни.

Чўчиб тушдим. Кечаги тунни яна эслашга уриндим.

— Йўқ, у тирик эди, — бу гап оғзимдан беҳосдан чиқиб кетди.

— Демак, таниркансиз-да.

— Танимайман.

— Буни идорада аниқлаймиз.

Қўлим кишанланди.

Шу тобда вужудимни босган совуқ тернинг заҳри ҳозир ҳам танамни зирқиратади.

Қаерданам у олдимдан чиқиб қолди деган фикр келди аввалига. Ўлмай ҳар бало бўл дедим. Ўладиган бўлсанг, тинчгина кетавер

майсанми, бироннинг ҳаётини захарлашинг шартми? Ё, худо, қайси айбим эвазига шу кунларга қолдим-а?

Ички ишлар бўлимида нақ уч соат кўрсатма бердим. Ҳеч ким менга ишонмасди. Дийдам ҳар қанча қаттиқ бўлишига қарамасдан, йиглаб юбордим ҳатто. Воқеа жойига борамиз дейишиди. Қани эсласам.

Аёл йўл бўйида ўлиб қолган экан. Мен ҳам ўша атрофда тўхтаган бўлсам керак.

— Нега маст ҳолда машина рўлига ўтирадингиз? — дейишли. Шу саволга бало бормиди ҳозир. Жавоб бермадим.

Экспертиза учун бармоқ изларимни олишди.

Хулосалар тайёр бўлгунча қамоқда ўтираканман. Қилмаган айбимни бўйнимга илиб қўйишса-я? Ёки итариб юборганимда ростданам... йўғе, бўлиши мумкинмас, аёл ортимдан қўл узатиб қолгандай бўлувди.

— Бошинг балодан чиқмагур, — ички ишлар бўлими олдида ўн беш ёшлардаги қизалоқ ёқамга ёпишди. — Онамнинг қони тутсин сени. Энди икки укамни ким боқади? Ким бизга меҳр беради?

Кўрқиб кетдим. Аёлнинг қизи шекилли. Милиционерлар уни четга олишди.

— Бечораларнинг отаси икки йил олдин вафот этган экан. Тирик етим бўлиб қолишибди, — терговчи бошини чайқади.

— Аёл нима иш қиласкан ўзи? Ярим тунда йўлда нима қилиб юрган экан?

— Бир танишидан қарз сўраб чиққан экан.

— Бундан чиқди, у ёмон аёл эмас экан-да, мен бўлсам...

Бошимни муштладим. Ўзимни гуноҳкор сифатида тан олдим. Агар уни машинамга миндирганимда ўлмаган бўлармиди...

Турмада уч кун ўтиришимга тўғри келди. Экспертиза хулосалари аёлнинг ўлимида менинг алоқам йўқлигини исботлади. Бу орада уни зўрлаган йигитлар ҳам топилди.

Мен барибир ўзимни айбдор ҳис қиласдим. Агар калта ўйламаганимда унинг ҳаётини сақлаб қолган бўлардим деган фикр хаёлимдан кетмасди. Айбимни ювиш ниятида аёлнинг маъракаларини ўтказиб бердим. Ҳозир ҳам фарзандлари ҳолидан тез-тез хабар олиб тураман. Ўзимни кечиришга эса барибир кучим етмайди...

ФОЖИА

Наҳотки шу аёлнинг ҳам душмани бўлса. Қотиллик тафсилотлари билан танишаркан, криминалистнинг хаёлига келган илк фикр шу бўлди. Ахир аёл фан номзоди, университет доценти эди. Тўғри, бойлиги ўзига етарли экан, буни криминалист уйни кўздан кечираётib дарров илғади. Аммо бойлик учун ўлдиришган деса, қимматбаҳо тақинчоқлар ҳам, пуллар ҳам, деворга осилган расмлар, вазалар, ҳаммаси жойида, умуман, уйдаги ҳеч нарсага тегилмаган. Унда нега?

Бошқа жиҳатини олганда... аёлнинг эри йўқ. Бироқ ҳарқалай шундай зиёли аёл фохиша бўлмагандир. Шундай эрсада аёлнинг жазмани бор-йўқлигини аниқлаш лозим. Криминалист шу каби бир-иккита таҳминлар атрофида мулоҳаза юритиб, эрганги кун режаларини тузгунча, вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди.

Эртаси куни марҳума ишлаган кафедра ўқитувчилари билан суҳбатлашди.

— Яхши ўқитувчи эди, — дейишди ҳаммаси.

Кўшниларидан ҳам жўяли гап чиқмади. Индинига эса.. топилган бир нарса криминалистни шошириб қўйди. Гап шундаки, тергов гуруҳи аъзолари марҳуманинг гаражини текшириб кўришта қарор қилишди. Аввалига ҳамма нарса жойидадай туюлди. Машинани жойидан сўлжитишганида ерга ётқизилган бетон плиткалардан бири ўйнагандай бўлиб кетди. Гуруҳ аъзолари плиткани кўтариб мўъжазгина подвалга рўбарў келишди, Бу ерга мураббо ва салат банкалари териб қўйилганди. Улардан бирини кўтариб кўрган милиция ҳодими хуштак чалиб юборди.

— Нима гап, тинчликми? — ҳамма унга юзланди.

— Мураббо дегани шунча оғир бўлишини билмас эканман.

Банкани очишли. Ундаги нарсага синчиклаб назар ташлашаркан, бир-бирларига маъноли қараб қўйишиди.

— Нақ ўн бўлак... Ҳар бири ярим килодан бўлгандаям... — милиционер лабини учирди. Нарсани криминалистга кўрсатишиди. У эса экспертизага топширди. Хулоса келди: банка ичидан топилган нарса соф олтин бўлиб, тўрт килограммни ташкил қиласди. Демак, аёлнинг аллақандай сири бор. Унинг вахшийларча зўрланиши ва ўлдирилиши бежиз эмас. Аммо бу «сир» нимадан иборат? Энди уни очиш керак, зудлик билан.

Құшнилар эски сақиғи чайнашдан нарига ўтмади. Яхши аёл эдио, бироз одамовироқ, құни-құшни билан борди-келди қила-вермасди. Бегона одамлар... келиб туришарди, лекин уларам құри-нишидан туппа тузукка ўшшарди. Құп келадигани... ҳа, бор эди шунақаси, қора «Нексия»сияли, номери кимнинг ёдіда туриб-ди дейсиз, дарвоқе, уни бир-икки марта милиция формасида құришган. Унвоними... майормиди.

Қора «Нексия»ли майорни топиш қийин бұлмади. Унинг ўзи воқеа жойига келиб қолди. Майор илк суҳбатдаёқ аёл жазмани эканлигини тан олди.

— Ҳа, энди, йигитчилик, кимда бұлмайди бунақаси. Лекин уни нега ўлдиришганига ҳайронман. Жудаям оқила, меҳрибон аёл эди. Бирорға ёмөнлик қылмаган. Биринчи оиласи билан муносабатлари түфри келмагани учун ажрашган.

— Унинг олтінлари ҳақида бирон нима билармидингиз?

— Олтін... — майорнинг юзи оқарғандай туюлди. — Билма-сам...

— Үғли билан муносабатингиз қандай эди?

— Дұстона. Жуда зийрак бола, шунинг учун ҳам Европада үқийди-да.

Майор самимий оқанғда гапирганидан, ундан шубҳаланишга ҳожат қолмади.

Криминалист гурух аъзоларидан бирига мархуманинг собиқ эрини топиши буюриб, ўзи яна кафедрага йўл олди. Мадина-нинг онаси күёвим ҳам университетда ишлаган деганди. Кафед-радагилар уни баъзур эслашди. Ҳа, у ўн йилча олдин шу ерда ишлаган. Кўпчилик уни яхши олим бўлади деб ўйларди. Илмий иш ҳам бошлаб қўйганди. Аммо, нимадир бўлдию айниди. Гиёх-ванд моддалар истеъмол қиласидиган, хотинига, ўғлига азоб берадиган бўлди. Мадинани неча марта юз-кўзи кўкарган ҳолда ишга келганини қўришган. Охири азобларга чидоммаган аёл эрининг устидан судга шикоят қылган. Ҳозир қамоқдан чиққан бўлиши керак. Мадинани ўша ўлдириган бўлиши ҳам мумкин.

Криминалист кафедрадан оғир хаёллар қуршовида чиқди.

Мадинанинг собиқ эри ота-онасиникода яшарди. Унинг исми Комил бўлиб, ҳеч қаерда ишламас, ичкиликка муккасидан кет-ган, олдин эса ашаддий гиёхванд бўлган. Уни сўраб боришганида ота-онасининг жони чиқиб кетди.

— Сизларни анави гўрсўхта юбордими, ўғлимни яна қамат-моқчими? — бидирлай кетди онаси.

Аммо, Мадинанинг ўлими ҳақида эшитгач ўзларин сал бо-сиши.

— Худо урди уни, — онаси кўзда ёш билан дийдиё қила кетди.
— Гулдай ўғлимнинг умрини хазон қилди, яшамагур.

Анчагача қарғаниб ўтиргач, ўзини босди шекилли, нима гап, тинчликими, нега келдинглар деб сўради. Ўғлини чақиришларини сўрашганда, жони чиқаёзди. Нима, уни ўғлим ўлдирибдими, деганча, хушидан кетди.

Гуруҳ аъзолари кампирга бирон нарсани изоҳлашга улгуришмади.

Комил хонасида ухлаб ётарди. Ёнбошида ярми ичилган ароқ ва тарелкадаги салат қолдигига қараб криминалист бошини чай-қаб қўйди. Уни зўрга уйғотишди. Ёнида форма кийган кишиларни кўриб Комил довдираб қолди.

— Мен ҳеч нарса қилганим йўқ, — бу гапни икки бора так-рорлади.

— Бирор сизга гапирдими, ҳеч нарса қилмадим деганда ни-мани назарда тутяпсиз?

— Ҳеч нарсанни...

— Хотинингизнинг ўлимидан хабарингиз борми?

— Қанақа хотин, менинг хотиним йўқ.

— Собиқ...

— А, авави манжалақими... — Комил уйқули кўзларини ишқ-аларкан, бирдан вазмин тортиб қолди.

— Нима, у ўлибдими?

— Ҳа, уч кун аввал уни ўлдириб кетишган.

— Ўғлимчи... — Комилнинг ранги оқариб кетди. Кейин қўлини силтади. — А, у Европада-ку.

— Уч кун бурун сиз қаерда эдингиз?

Комил криминалистга ажабланиб қаради.

— Гапингиз оҳангидан мени қотил деб ўйляяпсиз шекилли... Биласизми, агар шунаقا ниятим бўлганида бундан ўн йил аввал овқатимга наркотик қўшиб бериб юрганини пайқаб қолганимда ёки лаънати домлам билан ушлаб олганимда ўлдирадим.

— Барибир саволимизга жавоб беришингизга тўғри келади.

— Шифохонада эдим. Бунга истаганингизча гувоҳ топиб бе-ришим мумкин. Ароқдан захарландим. Ароқ деб нималарни иш-лаб чиқаришади-а?

— Сизнингча қотил ким бўлиши мумкин?

— Ким бўлсаям, мард экан у, менга ўхшаган қўрқоқмаскан.

— Қотил мард бўлолмайди.

— Мадинанинг қанақалигини билганингизда, бундай демасдингиз.

— Мен ҳеч қандай вазиятда қотилни оқламайман. Кейин... Мадинани яқинроқ билишни истардим.

Комил хўрсинди. Махзун бўлиб қолди.

— ...Ўшанда у гўзал ва ёш қиз эди. Иккаламиз бирга аспирантурага кирганмиз. Билимламасдию, лекин жудаям тиришқоқ, изланувчан эди. Ўзини билимдан қилиб кўрсатишга уриниши, ҳамма нарсага бурнини тиқавериши кулгимни қистарди. «Иккинчи синчалак бўлмоқчимисиз?» дердим ҳазиллашиб. У эса ростакамига хафа бўларди. Айниқса, илмсизлиқда айблашим ёқмасди унга. «Бас бойлаймиз, сиздан олдин кандидат бўламан» дерди жиғибийрони чиқиб. Мен эса «Академик бўлсангиз ҳам, илмсизлигингизча қолаверасиз», дея дашном қиласдим. «Сиз жуда ақли экансиз, ўргатинг» дерди кесатиб. Мен эса илм илоҳийдан берилади деб ҳисоблаганим учун, унинг нимадир ўрганишига ишонмасдим. Лекин берилиб китоб ўқишини кўриб ҳам ҳавасим келарди, ҳам ичим ачириди. Шу тарзда иккаламиз анча қалинлашиб қолдик. Дўстмизми, душманмизми, билиб бўлмасдию, лекин бир-бирилизни бир кун кўрмасак, согиниб қолардик. Ҳозир уни қандай қилиб севганимни ўйлаб ҳайрон қоламан...

Болалиқдан кўп шамоллайман. Ўша йили ҳам қишида қаттиқ грипп бўлдим. Мадина уч кунгача ёнимдан жилмай парваришилди. Ўшанда иккимиз бир-биrimiz учун яратилганмиз деган фикр келди хаёлимга. Кўнглимдагини Мадинага тўкиб солдим. У уялганича хонадан чиқиб кетди. Ишонсангиз, ҳафтагача мен билан гаплашмай юрди. Қандай гуноҳ қилганимни билолмай мен бечора ҳайронман. Кейин... ўтириб шеър ёздим.

Севги баҳт деб ўйлардим, vale гуноҳ экан-да,
Севган дилга шодлик қолиб, азоб паноҳ экан-да.

Давоми эсимда йўқ. Ўзимга ёққанди лекин. Мадинага ҳам маъқул бўлди, шекилли. «Худо истеъдоднинг ҳаммасини сизга берган экан-да, биз бечора шунинг учун бебахра қолибмиз-да». Кинояси кўпроқ нозга ўхшаб кетарди. «Шу истеъдод иккаламизга ҳам етиб қолар» дедим қошимни чимириб. У лабини чўччайтирди. «Балки». Шу тарзда севги достонимиз бошланди. Иккаламиз ҳам баҳтли

эдик назаримда. Мен ундан олдин ҳам, кейин ҳам бу қадар баҳтли бўлмаганман. Нимага асосланишимни билмайману, аммо Мадина ҳам шундай деб ўйлайман.

Бир йил ўтиб тўйимиз бўлди. Аввалига турмушимиз ширикечди. Тан олишим керак, у яхши умр йўлдоши эди. Озода, пазанда, шириңсўз. Ота-онам ҳам ундан хурсанд эдилар. Биласизми, менинг ва унинг бошига тушган фожиаларга ўзимни айбдордай ҳис қиласман баъзида. Балки унга илм билан шуғулланиши таъқиқламаганимда ҳозир ҳам баҳтли турмуш кечираётган бўлармидик, деб ўйлаб қоламан. Аммо нима қиласай. Саводсиз одамларнинг илм дунёсига кириб қолишларини ҳеч ҳам оқлаёлмайман. Унга сен яхши аёл бўлишинг мумкин, яхши ўқитувчи бўлишинг мумкин, бироқ ҳеч қачон олима бўлолмайсан, деган гапим қаттиқ ботди. У обрў-эътиборни, мартабани, шон-шуҳратни яхши кўради. «Яхши она бўлиш ёмон олим бўлишдан афзал-ку» дердим мен. Унга гагларим ёқмасди. Топиб олгани «олималарнинг қайсиниси мендан ортиқ» дея такрорлаш эди. Унга кўплаб олималарнинг, илм-фанга чинакам хизмат қилган аёлларнинг номларини санаб берардим. У эса бир-иккита қандайдир йўллар билан фан номзоди бўлиб қолган аёлларнинг исмини айтиб, мен улардан саводлироқман дерди. Шу тарзда орамизга совуқчилик тушди. Турли сабабларни рўкач қилиб, жанжаллашадиган одат чиқардик. Охири қўлимни силтадим. «Билганингни қил». У эса қайси жамиятда яшаётганингизни унутманг, феодал бўлишни истасангиз, ўн саккизинчи асрда туғилишингиз керак эди, деди кесатиб. Ваҳоланки, мен унга ўзимни хўжайн деб ҳис қилганим учун эмас, ачинганим учун, кулги бўлмаслиги учун йўлини тўсаётгандим. У яна диссертацияси устида ишлай бошлади. Аммо бу оилавий муносабатларимиз яхшиланишига сабаб бўлолмади. Яна, у илмий иш қилишида мендан бир-икки марта ёрдам сўради. Мен бош тортдим.

Бу орада ўелимиз дунёга келди. Унга Шерзод деб исм қўйдик. Ўелимиз баҳона, хотиним илмий ишидан воз кечса керак деб ўйлагандим. Қаёқда. Икки ойлик чақалоқни онамга ташлаб ўқишига жўнаворди. Фикру хаёлида мендан олдин номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш эди.

Хатти-ҳаракатларини кузатган одам бунинг учун ҳеч нарсадан тап тортмаслигини англаш қийин эмасди. Бироқ эрини наркоманга айлантиришини эмас.

Бошим айланадиган, ўзимни аллақандай лохас ҳис қиласидиган

бұлиб қолғандим. Қызиги, уйға келиб овқатланишим билан кай-фиятим күтарилади, касалимни унугардим. Шу қадар хурсанд бұлардимки, Мадинанинг илмий ишини ёзишга ҳам бажонидил ёрдам берардим. Ишда эса яна бошим лўқиллаб оғрийди, сер-зарда, баджағы қишига айланаман.

Охири чидамадим. Шифокорга учрадим. Биласизми, менга қанақа диагноз қўйиши. Наркомансиз дейиши. Шунақанги аса-бим бузилдики, врачни бўралатиб сўқдим. Ахир, наркотик деган нарсани ҳатто кўрмаганман ҳам. У эса сўзида туриб олди. Ишон-масам, бошқа шифокорга учрашим мумкинлигини айтди. Ик-кинчи текширувда ҳам бу наркотик моддалар истеъмол қилиш оқибати эканлигини айтиши. Таажжубим ошди. Ҳатто жинни бўлиб қолаёздим.

Уйға қай алфозда келганимни таърифлаб бера олмайман. Фа-қат ўшанда биринчи марта Мадинани ўлакса қилиб урганим эсим-да. Аммо, уни нега урдим?.. Кейин, биласизми, нима бўлди. Ма-дина ички ишлар бўлимига қўнфироқ қилди. Унинг «лаънати наркоман, хумори тутса аламини мендан олади» деганини эши-тиб, даҳшатта тушдим. Ўшанда хаёлимга нималар келмади дей-сиз... Америка фильмларида кўрсатишадику, бир одам икки қиёфа-да яшайди, ҳамма уни яхши деб уйлайдио, бироқ гоҳи-гоҳида руҳиятида аллақандай ўзгаришлар содир бўлиб, ёмон одамга ай-ланади, ёвузиликлар содир этади... Менам шунақамикинман деб ўйладим.

Мени қамашмади. Хотиним, ўша милицияга устимдан шико-ят қилган Мадина ёлвориб қайтариб олиб келди. Кейин... Йўқ, кейинги ҳаётимни эслашни истамайман...

Комил жимиб қолди...

— Бамисоли бир туш кўраётганга ўхшардим. Оғир, ёмон, по-ёнсиз туш... унинг тугашини, уйғонишини шундай сабрсизлик билан кутардимки... диспансерда даволаниб чиқдим. Аммо фойдаси бўлмади. Қайтанга энди наркотик истеъмол қилаётганимни ўзим ҳам сезиб турардим. Яъни, онгли равишда марихуана чека бош-ладим. Уйда эса ҳар куни жанжал, тўполон. Илмий ишимни ёзиб тутатгандим. Аммо энди мен уни рўёбга чиқариш ҳам, олим бўлиш ҳам, талабаларимга олдингидек завқ билан дарс бериш ҳам ёқмасди. Назаримда, умрим мазмунини йўқотгандай эди. Ўзи нега яш-япман, деб ўйлаб қолардим. Оилавий жанжалларнинг бирида мени Мадина наркотикларга ўргатганини билдим. «Ажаб қилдим, — деб бақиради у. — Мен олим бўламан, сен эса қамоқда чириб кетасан». Үндан ҳаракатларига изоҳ сўрадим. «Мен буюк бўлишни ис-

тайман. Сен эса бунга тиш-тирногинг билан қарши чиқасан. Менга илм керакмас, у сенга ўхшаган лақмаларнинг иши. Менга обрўси керак. Олим деган ном керак. Қолаверса, мен бой-бадавлат яшани истайман. Сен эса ўзингча ҳалолсан. Умуман, иккаламиз икки дунёмиз». Ишонинг, у худди шу тарзда бўкириб, сенсираб гапи-рарди. Шундай экан, менга турмушга чиқиб нима қиласдинг, дедим йиғлагудай бўлиб. «Бу қадар аҳмоқлигининг қаердан билибман. Беъмани феълинг билан иккаламизнинг ҳам ҳаётимизни захарладинг».

Иккинчи марта даволаниб чиқдим. Тамом, энди гиёхванд моддалар истеъмол қилишни бутунлай тўхтатаман ва Мадина билан ажрашаман, деган қатъий қарорга келдим. Ҳаётимни янгидан бошлашга аҳд қилдим. Илмий ишимни олиш учун уйга бордим. Ҳеч ким йўқ экан. Калит қўшниларда турарди. Олдим. Иш столим ёнига бориб... Мадинанинг ҳимояига тайёрлаган илмий ишини кўрдим. Қотиб қолдим, ишонасизми, қотиб... Ахир, у менинг илмий ишим эди...

Жаҳл билан дорилфунунга йўл олдим. Мадинани тополмадим. Кафедрадагилар эртага ҳимояси эканлигини, шунга тайёргарлик кўриб юрганини айтишди. Уйга қайтиб келиб, уни кутиб ўтиришга қарор қилдим. Вақт ўтмас, ичимдан нимадир отилиб кела-верарди. Худди кимдир бугзимга пичоқ қадаётгандек, жоним қил учиди тургандек типирчилардим. «Аблаҳ, ярамас, манжалаки». Бисотимдаги бор сўкишларни такрор-такрор тилимга чиқарар, бироқ хуморим босилмасди. Ҳозир келса, ўлдирман, дердим ўз-ўзимга. Ишонсангиз, қандай ўлдиришни ҳам режалаштира бошладим. Ошхонадаги пичоқлардан биттасини танлаб, яхшилаб ўткирладим. Ҳар эҳтимолга қарши кир ёядиган торни ҳам қирқиб олдим. Совутгичда озроқ ичилган ароқ бор экан, куч бўлсин деб ичдим. Балконга ўтиб, унинг йўлакка кириб келишини кутиб ўтирдим. Вақт ўтмас, юрагимда талотосир тўхтамасди.

Комил жимиб қолди. Кейин кутилмаганда хо-холаб кулиб юборди.

— Мен фирт жинни, аҳмоқман, — деди бошини чайқаганича.

— Кейин нима бўлганини айтишгаям уяламан. Менинг бир «касал»им бор. Ичсам, кўзим илинади, ухлаб қоламан. Ўша куниям балкондаги кўрпачага ёнбошлабману, қотиб қолибман. Аллақандай шовқиндан ўзимга келдимми, уйқум қочдими, ишқи-либ турдим. Бир зум карахт қолдим. Ичкаридан мусиқа овози ара-лаш эркак ва аёл кишининг кулгиси эшитиларди. Нима гаплиги-ни билиш учун ўрнимдан турдим. Бошим лўқиилаб оғрир, қўнглим айнирди.

Олдинги кайфиятимдан, нафратимдан асар ҳам қолмаганди. Худди сояга ўхшардим. Аввал ошхонага, кейин дахлизга ўтдим. Меҳмонхона эшиги очиқ экан. Мўраласам... Креслода устозим Мадинани кучоқлаб ўтиради. Туш кўраяпман шекилли деб кўзларимни юмиб очдим. Ўзимни мувозанат қиломай эшикка суюнди. Мени кўриб улар саросималаниб қолишиди. Афтидан, Мадина балконга ўтмаган. Умуман менинг келишимни кутмаган шекилли. Илмий раҳбаримнинг юzlари оқариб кетди. Мадинанинг лаблари чўччайди.

— Вақтида келдингиз-да, — деди кошларини чимириб. Мен эса ҳали ҳам ҳеч нарсани таҳлил қиломаётган эдим. Домлаб талмовсираб, бир нималарни минғирлади. Афтидан, ўзини оқлашга уринди шекилли. Мен нима дедим денг...

Комил яна заҳарханда кулди.

— Мадин, дорингдан йўқми, — дедим. Унинг хаёлига бир нималар келдими, ишшайди. Зормандани топиб бериши қийин бўлмади.

Кейин... наркотик истеъмол қилиб бўлмасимдан, милиция ходимлари етиб келишиди. Мени гиёҳванд моддалар истеъмол қилишда ва хотинимга суиқасд этишда айблашди. Олти йилга қамалдим. Қамоқдан келиб, уни кўрмадим. Ўғлим билан баъзи-баъзида учрашиб тураман. Бор гап шу...

Криминалист ўйланиб қолди.

— Мадинани ким ўлдирган бўлиши мумкин?

— Билмасам... У фирибгар, ўғри ва фохиша. Демак, уни ўлдиришларига асос етарли. Кейин...

— Хўш, хўш?

— У милиция жазмани билан бир-иккитасини шантаж қилганмиш.

— Очиқроқ айтсангиз.

— Дейлик, Мадина бирон бадавлат кишини илинтиради. Уйига олиб келади. Милиционер келиб қолади дегандай...

— Йўғ-е..

Криминалист Комил билан узоқ сұхбатлашди. Ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олгач, ортга қайтди.

Эртаси куни яна университетга борди. Мадинанинг илмий раҳбарини топди. Унга бир-икки савол берган эди, капалаги учеб кетди. Ранги оқариб, юрагини чанглаб ўтириб олди. Дудуқлануб, маънили гап айттолмади.

— Комил ариза бердими? — қалтираб сўради.

— Ҳа. Лекин бизга ёрдам берсангиз, унинг аризасини қайта-риб олишга ундан кўраман.

— М..мен ҳеч нарса билмайман. О...очиги Мадина билан жуда эҳтиёт бўлиб гаглашардик. Мен бир айб иш қилиб, бундан Мадина хабар топгани оқибатида, унинг айтганини қилишга мажбур бўлганман. Уни бир собиқ талабамиз ўлдирган бўлиши ҳам мумкин.

— Ким у? Нега?

— Исли Сирож, фамилияси Раҳимов, ҳозир мен унинг адресини топиб бераман. Негалигини...ўзидан сўрайсиз.

Криминалистнинг сабиқ талабани топиши қийин бўлмади.

— Лъяннати Мадин, ниҳоят ўлдиришибди-да, — Сирож хоҳолаб кулди. Менам уни жон-жон деб ўлдирган бўлардим. Аммо отам қўймади.

— Сабабини билсам бўладими?

— Албатта. Мен у қадар яхши талаба бўлмаганман, буни тан оламан. Ундан имтиҳонимиз бор эди. Эл катори 10 минг сўм бергандим. Рози бўлмади. Юзта суради. Очофатлигини қаранг. Бўралатиб сўқдим. Томошалар шундан кейин бошланди. Бўкириб турган шер бирданига мулоҳим мушукка айланди. Укам-укамлаб атрофимда тирдикапалак бўла бошлади.

— Имтиҳонни сенга қўймасам кимга қўяман, — деди-да зачёткамга чиройли қилиб тўрт қўйиб берди. Мен аҳмок, унинг муомаласини қўриб, кўнглим юмшаб кетди. Ўзимни қарздор ҳис қилдим. У тез-тез мени ёнига чақирадиган бўлди. Назаримда биз ростданам дўстларга айланиб қолгандай эдик. Мен шундай ажойиб домлани ҳақорат қилганимдан азият чекардим. Бир куни у эртага ўғлининг туғилган куни эканлигини айтиб, харажат қилишга ёрдамлашиб юборишмни сўради. Бажонидил рози бўлдим. Ўзим билан яхшигина пул ҳам олволдим. Унинг қаршилигига қарамасдан, ҳисоб-китобни ўзим қилдим. Уйига борганимиздан кейин, табиийки у чойга таклиф қилди. Жудаям пазанда экан, зумда чиройли таом тайёрлади. Таом устида дўстлигимиз ҳурмати конъяк ичдик. Хуллас, бир пайт ўзимни диванда яланғоч ёттан ҳолда кўрдим. Мастиликда шунчаликка бориб етибман-да деб қўйдим. Кийиниб, меҳмонхонага ўтдим. Қарасам... — Сирож яна тиржайди. — Мулоҳим мушук яна шерхонга айланибди. Ёнида бир киши — милиция формасида. Менга кассета қўйиб беришди. Энди қанақалигини айти-

шим шартмасдир. Довдираб қолдим. Мадина ички ишлар бўлимига ёзган аризасини кўрсатди. Кўз олдимга ота-онам келди. Оёғига бош қўйиб йигладим, манжалакини, ишонасизми, йигладим. Лашнати юмшамади. Отамга телефон қилишди ва кассетани отамгаям қўйиб беришди. Қанжиқ уялмадиям. Отамнинг қон босими ошиб кетди. Зўрга ўзига келтирдик. Ўшанда еган калтагим зарби ҳалигача яғиримни оғритади. Улар ўз йўлига. Гапнинг қисқаси, айтган пулинни бериб зўрга кутулдик. Отам менга қасам ичирди, Мадинани ўлдирмасликка. Отам бечора нима гаплигини англаб етганди. Ўқишимни бошқа институтга ўзгартиридим. Кейин у фарнинг юзини бошқа кўрмадим. Ким билсин, у яна қанақа ифлосликлар қилган.

Сирож билан сұхбат криминалистнинг бош оғригини янада кучайтириди. Демак, анави майор билан қаттиқроқ гаплашмаса бўлмайди. Буларда гап кўп шекилли. У тўғри майор ишлайдиган ички ишлар бўлимига борди. Хонаси кулф экан. Бўлим бошлиғи учрашиди.

— Жудаям ғалати, — бўлим бошлиғи елкасини учирди. — У уч кун олдимга ариза кўтариб келди, бўшамасам бўлмайди, соғлиғим ёмон деб туриб олди. Бугунгина аризасига қўл кўйгандим. Нима ишингиз бор эди?

Криминалист эшитганларини айтиб берди. Ички ишлар бўлими бошлиғи ўрнидан туриб у ёқ — бу ёқда юра бошлади.

— Наҳотки? Наҳотки? — у бошини сарак-сарак қиласар, нималардир деб гўдранарди. Бирон дақиқадан кейин у ўзини босиб олди ва оператив ходимни чақириб, зудлик билан Тоҳирни топишни буюрди.

— Тоҳир Қозогистонга кетаман деётганди, — деди оператив ходим.

Калаванинг уни Тоҳирда эканлиги маълум эди. Зудлик билан божхоналарга қўнғироқ қилиниб, Тоҳир ҳақида маълумотлар берилди.

Криминалист ярим тунда уйига қайтди.

У шу кечаси ғалати туш кўрди.

Эмишки, Мадинанинг қабри бузиб ташланганмиш. Мурда ер устида ётибди. Рухи эса дўзах оловида қоврилаётганмиш. Бир пайт афтодаҳол Мадина криминалист ёнига келибди.

— Ёрдам беринг, ёрдам беринг, — дермиш қўлларини чўзиб. — У олтиннинг эгаси, — овози йигламсираб чиқармиш. Кейин яна қиқир-қиқир кулармиш. — Мен униям алдаганман. Пулини бермаганман. — Яна йигламсирамиш — олтинларим, олтинларим, бермайман, ана келяпти, олиб кетмоқчи.

Криминалист уйғониб кетди. Чироқни ёқиб, соатга қаради. Энди тұртдан ошибди. Кийимларини алмаштирида, Мадина-нинг уйи томон йүл олди.

Криминалист уйни яна бир карра күздан кечира бошлади. Үн-үн беш дақықа үтиб-үтмай аллақандай қадам товуши уни сергак-лантириди. Калитнинг буралгани, эшикнинг секингина очилганини пайқади. Дархол ўзини панага олди.

Аллақандай шарпа юзидағи никобни олиб ташлади. Мекмон-хонани титкилашга тушди.

— Қимирлама! — криминалистнинг овози йигитни шошилтириб қўйди. Вазиятдан чаққонлик билан фойдаланиб криминалист унинг қўлларини боғлади.

— Хўш, бу ерга нега келдингиз?

— Олтинга!

— Демак, Мадинани сиз ўлдирган экансиз-да.

— Ҳа, мен. Афсусланяпти, деб ўйласангиз, янгишасиз. Саккиз кило олтинни 60 минг долларга савдолашдик. 20 мингини бериб, қолганини эртага бераман деганди. Эртаси куни бошқа ашула айта бошлади. Сени танимайман, қанақа олтинлар, қаматиб юбораман ва хоказо. Алам устида...

Анча-мунча саволларга жавоб олгач, криминалист ички ишлар бўлимига кўнғироқ қилди. Қотилни олиб кетишиди. Эндинга оқара бошлаган тонг қуршовида ишга пиёда боришга қарор қилган криминалистнинг хаёлида энди янги савол чарх ура бошлади. Олтиннинг ярми қаерда?

Бу саволга жавоб топиш учалик қийин кечмади. Тоҳир қўлга олинганди. Энди у ҳамма саволларга тўғри жавоб бера бошлади. Тергов жараённада тўрт кило олтинни у олганлигини, умуман барча даромадларни тенг бўлишганини ва криминалистга номаълум бўлган бошқа гапларни айтиб берди.

МУНДАРИЖА

Гужум.....	3
Расм.....	9
Ўзганинг дарди.....	12
Соябон.....	18
Бурилиш.....	24
Йиги.....	30
Гулбаҳор.....	34
Жазо.....	40
Мушкин қошининг ҳайъати.....	44
Айб.....	50
Гуноҳкор.....	53
Фожиа.....	56

Мұхаббат ТҮРАБОЕВА

БУРИЛИШ

Ҳикоялар

Мұхаррір: *A. Ирисбоеев*
Бадий мұхаррір *Х. Худойбердинев*
Техник мұхаррір *Т. Смирнова*
Сақиғаловчы *A. Турсунов*

Босишга 17.03.2008 йилда рухсат этилди.
Бичими 64 x 84 1/16. Ҳажми 3,5 Нұсқаси 1000
Буортма №45 Шартнома №37/3

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
босмахонаси. Тошкент шаҳри Хадича
Сулаймонова кўчаси, 31 уй.